



Молиявий барқарорлик шарҳи

2022 йил I ярим йиллик

Октябрь 2022

Молиявий барқарорлик шарҳи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан йилига икки марта чоп этилади. Мазкур шарҳ молия тизимидаги заифликлар ва рискларни баҳолаш, ички молия тизими барқарорлигининг таҳлили ва молиявий барқарорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати ва чоралари каби масалаларни қамраб олади.

Мазкур шарҳ 2022 йил 1 июлгача бўлган маълумотлар асосида тайёрланган.





Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молиявий барқарорлик департаменти томонидан тайёрланди.

Фикр ва мулоҳазаларингизни udjumanazarov@cbu.uz электрон манзилига юборишингиз мумкин.





Молиявий барқарорлик шарҳи 2022 йил I ярим йиллик





Мундарижа

Умумий хулоса	7
I. Макромолиявий шароитлар	10
1-ҳавола. Иқлим ўзгариши хатарлари.....	19
II. Банк тизими барқарорлиги таҳлили	21
2.1. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили	21
2-ҳавола. Хатарлар харитаси	30
2.2. Муаммоли кредитлар.....	33
2.3. Қарз юки таҳлили	38
III. Макропруденциал сиёсат воситалари	44
3.1. Кредит тўловини даромадга нисбати ҳамда кредитни гаров қийматига нисбати	44
3.2. Тизимли аҳамиятга молик банкларга қўшимча буфер жорий қилиш имкониятлари.....	50
IV. Макро стресс-тест	63
4.1. Макроиқтисодий сценарийлар.....	63
4.2. Макро стресс-тест натижалари	65
Иловалар.....	70

Молиявий барқарорлик учун асосий хатарлар	Хатарлар даражаси ва динамикаси		Хатарларни энгиллаштирувчи чоралар
	Қисқа муддатда	Ўрта муддатда	
Хавф даражаси паст	Хавф даражаси ўрта		Хавф даражаси юқори
Ташқи хатарлар			
<p>Ташқи геосиёсий вазиятнинг кескинлашуви.</p> <p>Геосиёсий вазиятнинг ёмонлашиши иқтисодий ўсишнинг секинлашишга, инфляциянинг ошишига, пул ўтказмалари ва инвесторлар ишончининг камайишига олиб келиши мумкин. Бу, ўз навбатида, ялпи талабга таъсир этиб, корхоналар ва аҳолининг иқтисодий фаоллигини пасайтиради. Натижада, банкларнинг кредит портфели ёмонлашиши ва қарз олувчиларнинг кредитларга хизмат кўрсатиш қобилиятининг пасайиши оқибатида муаммоли кредитлар кўпайиши мумкин.</p>			<ul style="list-style-type: none"> - эркин шаклланувчи валюта курси, инфляцияни пасайтиришга қаратилган пул-кредит сиёсати ва фаол макропруденциал сиёсат орқали макроиқтисодий барқарорликка йўналтирилган ўзаро мувофиқлашган сиёсатни давом эттириш; - банк активлари сифатининг мониторингини, айниқса, пандемиядан энг кўп зарар кўрган ва муаммоли кредитлар ўсиши кузатилаётган тармоқларда кучайтириш; - макропруденциал буферлар, жумладан, контрциклик капитал буферни ва тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буферни жорий қилиш.
<p>Транзакцион рискларнинг ошиши.</p> <p>Ташқи геосиёсий вазият оқибатида халқаро транзакцияларни амалга оширишда тегишли комплаенс рисклари юзага келиши мумкин.</p> <p>Шу билан бирга, АҚШ Молия вазирлиги СПФС аъзолари бўлган</p>			<ul style="list-style-type: none"> - жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимини (AML/CFT) самарали олиб бориш ва “мижозни аниқлаш” (KYC) қоидаларига амал қилиш;

Молиявий барқарорлик учун асосий хатарлар	Хатарлар даражаси ва динамикаси		Хатарларни енгиллаштирувчи чоралар
	Қисқа муддатда	Ўрта муддатда	
<p>молиявий ташкилотларни АҚШ молия тизимига, шу жумладан, вакиллик ҳисобварақаларига киришига чеклов ўрнатиши мумкин. Бу эса, банклар учун транзакция харажатларининг ошишига, банк хизматлари турларининг қисқаришига, банк рейтингларининг пасайишига ва мамлакат риск мукофотининг (риск премиум) ошишига олиб келиши мумкин.</p>			<ul style="list-style-type: none"> - АҚШнинг Хорижий активларни назорат қилиш бошқармаси (OFAC) ҳамда Европа Иттифоқининг чекловларини инобатга олувчи самарали халқаро санкцияларга риоя қилиш дастурларини ишлаб чиқиш; - санкцияларга қаратилган чоратадбирлардаги ўзгаришларни доимий мониторинг қилиш, шунингдек, хавфларни юзага келиш эҳтимолини даврий баҳолаб бориш; - санкциявий комплаенс тажрибасига эга етакчи консалтинг агентликлари ва экспертлар ҳамжамияти билан мулоқотни давом эттириш.

Молиявий барқарорлик учун асосий хатарлар	Хатарлар даражаси ва динамикаси		Хатарларни энгиллаштирувчи чоралар
	Қисқа муддатда	Ўрта муддатда	
<p>Етакчи марказий банклар томонидан пул-кредит сиёсатининг қатъийлаштирилиши. Ташқи бозорларда молиявий ресурслар нархи ошиб бораётган шароитда маҳаллий банклар ва корхоналар ташқи молиявий ресурсларни жалб қилишда қийинчиликларга дуч келиши ҳамда директив кредитлаш амалиёти кенгайиши мумкин. Натижада, муаммоли кредитлар ошиши ҳамда мамлакатнинг молиявий буферлари камайишига олиб келиши мумкин.</p>			<p>- белгилаб олинган таркибий ислохотларни (давлат корхоналари ва банкларни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш, рақобат ва ташқи савдони янада эркинлаштириш) мантиқий якунига етказиш;</p> <p>- ички ва ташқи хусусий инвестицияларни рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатини юритиш орқали босқичма-босқич давлатнинг иқтисодиётни молиялаштириш юкмасини пасайтириб бориш;</p> <p>- капитал ва ликвидлик буферларининг даражаси ва сифатини ошириш орқали тартибга солувчи асосларни мустаҳкамлаш.</p>
<p>Ўзбекистоннинг риск премиуми (хатар учун устама) ошиши натижасида банклар учун ташқи манбалар ҳисобидан молиялаштириш имкониятларининг камайиши. Риск премиумнинг ошиши хорижий кредитларнинг фоиз ставкалари ўсишига олиб келиши мумкин. Хорижий қарз берувчилар эса ўз қарзларини</p>			<p>- банкларнинг ташқи молиялаштириш манбаларига қарамлигини камайтириш мақсадида жамғармалар базасини кенгайтиришни рағбатлантиришга йўналтирилган депозит сиёсатини юритиш;</p> <p>- давлат улуши мавжуд банкларни трансформация қилиш</p>

Молиявий барқарорлик учун асосий хатарлар	Хатарлар даражаси ва динамикаси		Хатарларни энгиллаштирувчи чоралар
	Қисқа муддатда	Ўрта муддатда	
қайтариш муддатларини узайтиришни истамаслиги мумкин. Шу билан бирга, ушбу ҳолат янги кредитлаш фаолиятини хавф остига қўйиши ва банклар ташқи қарзларни тўлаш учун хорижий валюта ликвидлигидан фойдаланишга босим ўтказиши мумкин. Натижада, кредитлаш ва иқтисодий фаолликнинг қисқаришига олиб келиши мумкин.			жараёнларини фаоллаштириш; - банкларнинг ташқи қарзга боғлиқлик даражасини чекловчи макропруденциал чораларни амалга ошириш.
Ташқи кибер ҳужумлар. Бундай ҳужумлар банк тизими, жумладан, муҳим молиявий инфратузилмаларга жиддий салбий таъсир кўрсатиши ҳамда аҳолининг ишончига путур етказиши мумкин.			- халқаро молия ташкилотлари ва тегишли тажрибага эга марказий банкларнинг техник ёрдами билан банк сектори учун киберхавфсизлик салоҳиятини ривожлантириш; - банкларда киберхавфлар бошқарувини назорат қилиш асосларини ишлаб чиқиш.
Ички хатарлар			
Миллий валютанинг сезиларли даражада қадрсизланиши шароитида долларлашувнинг юқори даражаси билан боғлиқ тўлов қобилияти ва хорижий валютада ликвидлик рискларининг рўёбга чиқиши. Миллий валютанинг қадрсизланиши уй хўжаликлари ва бизнес вакиллари бўйича қарзларнинг ошишига			- валюта курсининг бозорда талаб ва таклиф асосида эркин шаклланишига шароит яратиб бориш, инфляцияни таргет кўрсаткичига пасайтириш ва пруденциал чораларини қўллаш орқали долларизация даражасини пасайтириш;

Молиявий барқарорлик учун асосий хатарлар	Хатарлар даражаси ва динамикаси		Хатарларни энгиллаштирувчи чоралар
	Қисқа муддатда	Ўрта муддатда	
олиб келиши мумкин. Бу эса ўз навбатида, аҳоли ва бизнес вакилларининг муаммоли кредитлари (NPL) ҳамда дефолт даражаси кескин ошишига сабаб бўлиши мумкин.			- миллий валютадаги жамғармаларни рағбатлантириш учун ижобий реал фоиз ставкаларини сақлаб қолиш.
Қарз юкининг ошиши ёки юқори даражада сақланиб қолиши. Иқтисодиётга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати, PTI, LTV ва DSR кўрсаткичларининг юқори даражалари сақланиб қолиши.			- PTI ва LTV кўрсаткичлари учун талабларни қатъийлаштириш; - DSR кўрсаткичи учун меъёрий чеклов ўрнатиш.
Иқлим билан боғлиқ моддий хавфлар (масалан, тез-тез ёки кескин об-ҳаво ҳодисаларидан келиб чиқадиган хатарлар) ва ўтиш хавфларининг (масалан, камроқ ифлослантирувчи, паст углеродли иқтисодиётга ўтиш билан боғлиқ хатарлар) юзага келиши натижасида келиб чиқадиган кредит йўқотишлари.			- тегишли халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида иқлим ўзгаришининг молиявий секторга таъсирини таҳлил қилиш асосларини ишлаб чиқиш; - молиявий тизим учун иқлим ўзгариши таъсирларини юмшатиш бўйича чоратадбирлар ва воситаларни белгилаш.

Изоҳ: Стрелканинг йўналиши риск даражасининг ўзгаришини ифодалайди.

Умумий хулоса

Ўзбекистон банк тизими Ковид-19 пандемияси ва ташқи иқтисодий шароитлар ўзгаришларидан келиб чиқадиган шокларга яхши бардош бермоқда. 2022 йилнинг I ярим йиллигида банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари Базел III минимал талабларидан юқори бўлди. Регулятив капиталнинг ҳамда биринчи даражали капиталнинг монандлилик коэффициентлари минимал талаблардан 1,3 баравар юқорилигини кўрсатди. Банк активларига нисбатан талабнинг қатъийлаштирилишига қарамай, ликвидликни қоплаш коэффициенти (LCR) минимал талабга (100 фоиз) нисбатан юқори шаклланди.

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонда жами кредитларнинг ЯИМга нисбати сезиларли даражада ошиб, МДХ ва даромади ўртадан пастроқ бўлган давлатлар даражасига етди. 2017–2020 йилларда Ўзбекистонда кредитлар ҳажми кескин ошиши ҳамда кредитларнинг ўсиш суръати ЯИМнинг ўсиш суръатидан юқори бўлди. 2021 йилда Ўзбекистонда жами кредитларнинг ЯИМга нисбати (44 фоиз) МДХ давлатлари бўйича медиана кўрсаткичидан (30 фоиз) баланд бўлиб, унинг юқори даражаси сақланиб қолмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон қисқа вақт ичида жами кредитларнинг ЯИМга нисбати кўрсаткичи бўйича даромади ўртадан пастроқ бўлган давлатлар бўйича медиана кўрсаткичига етиб олди.

Пандемия сабабли банклардаги муаммоли кредитларнинг (NPL) жами кредитлардаги улуши 5-6 фоизгача кескин кўтарилди. Пандемия билан бир қаторда давлат дастурлари асосида кредитлаш ва банклар томонидан муаммоли кредитлар ҳисобини юритишнинг такомиллаштирилиши натижасида муаммоли кредитлар миқдори сезиларли ўсди. 2022 йил 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг муаммоли кредитлар улуши (4,9 фоиз) Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари (5,9 фоиз) ҳамда Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари (5,2 фоиз) бўйича ўртача кўрсаткичдан пастроқ бўлди. Тармоқлар қирқимида муаммоли кредитлар саноат ва қишлоқ хўжалигида сезиларли ошган.

Кредит тўловининг даромадга нисбати (PTI) 51 фоиздан юқори ҳамда кредит миқдорини гаров қийматига нисбати (LTV) 76–90 фоиз оралиғида бўлган ипотека кредитлари жами ипотека

кредитларда юқори улушни ташкил этмоқда. 2018 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда кредит тўловининг даромадга нисбати 51 фоиздан юқори бўлган ипотека кредитларининг улуши динамикасида пасайиш кузатилди. Умумий ипотека кредитларининг 60–70 фоизини кредит тўловининг даромадга нисбати 51 фоиздан юқори бўлган ипотека кредитлари ташкил этмоқда. Қарз олувчиларнинг ортиқча қарз юкини чеклаш мақсадида 2020 йилда Марказий банк кредит тўловининг даромадга нисбати 50 фоиздан юқори бўлган жисмоний шахсларга кредитлар бериш чекловини жорий этди. Кредит миқдорининг гаров қийматига нисбати 76–90 фоиз оралиғида бўлган ипотека кредитлари улуши тахминан 90 фоизни ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда тизимли аҳамиятга молик банклар учун қўшимча буфер қўллаш зарурати юзага келмоқда. Базел кўмитасининг узоқ муддатли иқтисодий таъсир ёндашуви (LEI) кўра Ўзбекистонда биринчи даражали асосий капитал (СЕТ1) учун ўрнатилган меъёр (8 фоиз) унинг энг мақбул кўрсаткичидан паст даражада шаклланган. Шунингдек, банк тизимининг концентрация индекси (НН индекси)га кўра, Ўзбекистонда банкларнинг концентрациялашуви ўрта даражада бўлмоқда. LEI ҳамда НН индекси бўйича таҳлил натижалари Ўзбекистоннинг тизимли аҳамиятга молик банклари учун биринчи даражали асосий капиталга нисбатан 2 фоиз қўшимча буфер ўрнатишни тақозо этади. Шунингдек, халқаро амалиётдан келиб чиқиб капиталга қўйилган минимал талаблар билан буфер талабларини мувофиқлаштириш тизимли аҳамиятга молик банклар учун буфер жорий қилишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Макро стресс-тестнинг дастлабки натижалари банк тизимининг барқарор эканлигини кўрсатди. 2024 йил охирига келиб, асосий ва мўътадил сценарийларда банкларнинг капитал етарлилик даражаси минимал регулятив капитал меъёридан (13 фоиз) юқори бўлишини ҳамда турли хил шокларга яхши бардош бера олишини намоён қилмоқда. Бироқ, хатарли сценарийда, яъни иқтисодиётнинг кескин ёмонлашуви ва валюта курсининг сезиларли даражада қадрсизланиши ҳолатида банк тизими регулятив капиталнинг монандлилик коэффициенти 13 фоизлик меъёрий чегарадан тушиб кетиш эҳтимоли юқоридир. Бунда сезиларли кредит йўқотишлар ва рискка тортилган активларнинг ўсиши банкларни регулятив капиталга нисбатан қўйилган минимал талабни бажара


олмасликка сабаб бўлиши мумкин. Шунга қарамай, банк капитали етишмовчилиги натижасида юзага келадиган йўқотишлар жиддий хавф туғдирмайди ва банк тизими ушбу йўқотишлар ўрнини қоплаш учун етарли ҳимояга эга бўлади.

I. Макромолиявий шароитлар


Халқаро молия ташкилотлари ва марказий банклар томонидан молиявий таҳлил ва сиёсатни ишлаб чиқишда молиявий шароитлар индекси (Financial Conditions Index, FCI) муҳим маълумот берувчи макромолиявий кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб, мамлакатлар иқтисодиётидаги ўзгаришларни умумлаштирилган молиявий барқарорлик ҳолатини ифода этади (1-илова).

Жорий йилда ривожланган давлатларда кузатилаётган молиявий шароитларнинг қатъийлашишни акциялар баҳосининг тушиши, давлат облигациялари даромадлигининг ошиши ва пул-кредит сиёсати қатъийлаштирилиб борилишининг кутилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин¹.

1-чизма. Ривожланган давлатларда молиявий шароитлар индекси (ўртача кўрсаткичдан стандарт оғиш²)



2-чизма. Бозор иқтисодиёти шаклланаётган давлатларда молиявий шароитлар индекси (ўртача кўрсаткичдан стандарт оғиш)



Манба: Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ).

Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган давлатлар қатъийлашган молиявий шароитлар ва капитал оқимини четга чиқиб кетишининг юқори хавфига дуч келишмоқда. Ташқи қарз олиш харажатларининг кескин кўтарилиши ва миллий валюта курсларининг ошиши Россия билан яқин алоқада бўлган Шарқий

¹ International Monetary Fund, Global Financial Stability Report, April 2022, pp. 3-4.

<https://www.imf.org/en/Publications/GFSR/Issues/2022/04/19/global-financial-stability-report-april-2022>

² Индекс кўрсаткичи ўртача қийматидан стандарт оғишнинг неча баробарига фарқ қилишини ифодалайди.

Европа мамлакатларининг молиявий шароитларига жиддий таъсир кўрсатди. Инфляцияни жиловлаш учун фоиз ставкаларининг оширилиши, акциялар қийматининг пасайиши ва ташқи қарз олиш харажатларининг юқорилиги бошқа кўплаб бозор иқтисодиёти шаклланаётган давлатларда молиявий шароитлар қатъийлашишига сабаб бўлди³.

Ковид-19 пандемияси туфайли юзага келган глобал иқтисодий пасайишдан сўнг карантин чораларининг бекор қилиниши ва вакцинациялаш жараёнининг тезлашиши натижасида ялпи талаб тикланди ва паст даромадли ривожланаётган давлатларнинг иқтисодиётини 2021 йилда 4,1 фоизга ўсишига олиб келди.

Дунёдаги геосиёсий вазият ва глобал инфляция туфайли вужудга келган ноаниқликларга қарамай, ХВЖ 2022 ва 2023 йилларда паст даромадли ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсиш мос равишда 4,8 ва 4,9 фоиз бўлишини прогноз қилмоқда⁴.

3-чизма. Иқтисодий ўсиш прогнозлари, %



4-чизма. Иқтисодий ўсиш прогнозлари, %



Манба: ХВЖ.

Манба: Жаҳон банки.

Изоҳ: * Прогноз.


Ўзбекистоннинг экспорт таркибида юқори улушга эга бўлган ҳамкор давлатлар орасида Хитой, Россия, Туркия, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳисобга олинган. Импорт таркибида эса Россия, Хитой, Қозоғистон, Жанубий Корея, Туркия ва Германия энг йирик олти мамлакатлар киритилган.

³ International Monetary Fund, Global Financial Stability Report, April 2022, p. 4. <https://www.imf.org/en/Publications/GFSR/Issues/2022/04/19/global-financial-stability-report-april-2022>

⁴ International Monetary Fund, World Economic Outlook Update October 2022. <https://www.imf.org/en/Publications/WEO/Issues/2022/10/11/world-economic-outlook-october-2022>

2021 йилда карантин чоралари юмшатилгандан сўнг ўрта даромадли давлатларда иқтисодий ўсиш 6,8 фоизга қайта тикланди. Жаҳон банки томонидан 2022 йилда ташқи иқтисодий шароитларнинг ўзгариши туфайли озиқ-овқат ва энергия нархларининг ошиши ўрта даромадли давлатларда иқтисодий ўсишни 3,3 фоизгача секинлашишига олиб келиши тахмин қилинмоқда⁵.

5-чизма. Ўзбекистон ва асосий савдо ҳамкор мамлакатларнинг реал ўсиш суръатлари, %



Манбалар: ХВЖ, Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: * Прогноз.

Чизмадаги тўртбурчак шакл Ўзбекистон ва маълумотлари қўлланилган барча давлатлар (Жанубий Корея, Россия, Туркия, Хитой, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон) учун ЯИМнинг ўртача тортилган ўсиш суръатлари орасидаги фарқни кўрсатади. Ўсиш суръатлари ўртасидаги фарқ қанчалик катта бўлса, тўртбурчак шакли ҳам шунчалик узун бўлади. Агарда Ўзбекистон ЯИМининг ўсиш даражаси ўртача тортилган ўсиш суръатидан ортиқ бўлса, тўртбурчакнинг ички қисми тўлиқ бўялган тўқ рангда ва аксинча кичик бўлса, оқ рангда бўлади. Вертикал қора чизиқнинг энг юқори нуқтаси маълум йил учун мазкур давлатлар орасида максимум ўсиш кўрсаткичини, унинг қуйи нуқтаси эса минимум ўсиш суръатига эга бўлган давлатнинг кўрсаткичини билдиради.


Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш суръати 2012–2019 йиллар давомида (2017 ва 2018 йилларни ҳисобга олмаганда) асосий савдо ҳамкорларнинг ўртача тортилган ўсиш суръатидан юқори бўлган.

⁵ World Bank, Global Economic Prospects June 2022.
<https://www.worldbank.org/en/publication/global-economic-prospects>


2017 ва 2018 йилларда реал ўсиш суръатлари мос равишда 4,4 ва 5,4 фоизларни ташкил этган. Ўзбекистон иқтисодиёти 2020 йилда пандемия даврида пул-кредит сиёсатининг юмшатилиши ҳамда ҳукумат томонидан қўллаб-қувватловчи сиёсатнинг юритилиши натижасида 1,9 фоизга, 2021 йилда эса 7,4 фоизга ўсган. Ташқи иқтисодий шароитлар ўзгаришининг таъсири кутилганидан кучсизроқ бўлиши, иқтисодиёт тармоқларида фаолликнинг ошиши, ташқи савдо айланмаси ҳажмининг юқори суръатларда ўсишини инobatга олган ҳолда Марказий банк 2022 йил учун ЯИМнинг реал ўсиш суръатини 5,0–5,5 фоиз атрофида прогноз қилмоқда.

Марказий банклар жаҳон иқтисодиёти истиқболлари бўйича ноаниқликлар ортган бир даврда юқори даражадаги инфляцияни жilовлаш ҳамда пандемиядан кейинги иқтисодий тикланишни таъминлаш ўртасидаги қийин танловга дуч келишмоқда.

6-чизма. Глобал инфляция прогнози (истеъмол нархлари индекси), %



7-чизма. Айрим маҳсулот турлари бўйича глобал нархлар индекси (АҚШ доллари индекслари, 2010 йил = 100)



Манбалар: ХВЖ ва Жаҳон банки.

Глобал инфляция алоҳида олинган мамлакатларнинг инфляциялари ҳамда харид қобилияти паритетига асосланган ЯИМ қийматидан улуш сифатида фойдаланган ҳолда ўртача тортилган усулда ҳисобланади.

Пандемиядан сўнг кечиктирилган истеъмол талаби, таъминот занжиридаги узилишлар ҳамда ташқи иқтисодий ўзгаришлар туфайли юқори озиқ-овқат ва энергия нархлари 2021 йилдан буён глобал инфляция даражасининг сезиларли даражада кўтарилишига сабаб бўлди.

ХВЖнинг 2022 йил октябрь ойида янгиланган “Жаҳон иқтисодиёти истиқболи бўйича ҳисоботи”га (World Economic Outlook, WEO) кўра, жорий йилда глобал инфляция даражаси (ўртача истеъмол нархлари бўйича) ривожланган мамлакатларда 7,2 фоиз ва бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатлар ҳамда ривожланаётган мамлакатларда эса 9,9 фоиз бўлиши кутилмоқда⁶. Ривожланаётган мамлакатлар истеъмол савати таркибида озиқ-овқат ва энергия катта улушни ташкил этгани сабабли, улар нархидаги юқори ўсиш ривожланган мамлакатларга қараганда инфляция даражасига кучлироқ таъсир кўрсатиши кутилмоқда⁷.

Глобал иқтисодий фаолликнинг заифлашиши ва таклифнинг ошиши 2022 йилнинг II чорагида ёқилғидан ташқари бошқа товарлар нархининг пасайишига олиб келди. 2022 йилнинг май-август ойларида озиқ-овқат маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги нархлари кетма-кет тўртинчи ой пасайиши давом этмоқда. Жаҳон банкининг озиқ-овқат нархлари бўйича индекси (World Bank Food Price Index) 2022 йил август ойида апрель ойидаги энг юқори қийматига нисбатан 14 фоизга пастроқ бўлиб, 136,4 бандни ташкил этди (2010 йил = 100). Канада, АҚШ ва Россиянинг ишлаб чиқариш даражаси яхшиланганлиги ҳамда Украинадаги Қора денгиз портларидан экспорт қилишнинг июль ойида қайта тикланганлиги сабабли буғдой нархининг сезиларли даражада пасайиши озиқ-овқат нархларининг тушишига сабаб бўлди⁸.

Дунё бўйича марказий банклар юқори инфляцияга жавобан пул-кредит сиёсатини қатъийлаштирди. Эркин сузувчи фоиз ставкалари асосида кредитлар ажратиш амалиёти мавжуд бўлган аксарият мамлакатларда юқори фоиз ставкалари корхоналар ва уй хўжаликлари учун қарзга хизмат кўрсатиш юкининг ошишига олиб келиши мумкин⁹. Натижада, дефолт ҳолатларининг кўпайиши молиявий ташкилотларнинг кредит портфелидаги йўқотишларига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, инфляция тўланмаган

⁶ International Monetary Fund, World Economic Outlook Update October 2022.
<https://www.imf.org/en/Publications/WEO/Issues/2022/10/11/world-economic-outlook-october-2022>

⁷ Bank for International Settlements, Annual Economic Report 2022 of the BIS, p. 14.
<https://www.bis.org/publ/arpdf/ar2022e.pdf>

⁸ Institute of International Finance, Nonfuel commodity prices fall as global economy slows, 2022, p.1.
https://www.iif.com/portals/0/Files/content/32370132_september_2022_nonfuel_commodity_prices.pdf

⁹ Bank for International Settlements, Annual Economic Report 2022 of the BIS, p. 17.
<https://www.bis.org/publ/arpdf/ar2022e.pdf>

қарзларнинг реал қийматини пасайтирган тақдирда ҳам¹⁰ қарз олувчиларнинг даромадлари инвестиция ва истеъмол харажатларини қоплаш даражасидан ошмаган ҳолатда қарз олувчилар қарзга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келишлари мумкин¹¹.

8-чизма. Ўзбекистон ва асосий савдо ҳамкор мамлакатларнинг жорий ҳисоб баланси, ЯИМга нисбатан фоизда



Манба: ХВЖ.
Изоҳ: * Прогноз.

2021 йилда Ўзбекистоннинг жорий ҳисоб баланси сальдоси манфий 4,8 млрд АҚШ долларини ёки ЯИМнинг 7 фоизини ташкил қилди¹². ХВЖнинг 2022 ва 2023 йиллар учун прогнозларига кўра, Ўзбекистоннинг жорий ҳисоб баланси ЯИМга нисбатан манфий 3,3 ҳамда 4,2 фоиз бўлиши кутилмоқда¹³.

2022 йил I ярим йиллигида тўлов баланснинг жорий операциялар ҳисоби сальдоси манфий 830,5 млн АҚШ долларини, савдо баланснинг манфий сальдоси 6,5 млрд АҚШ долларини, бирламчи ва иккиламчи даромадлар сальдоси эса ижобий 5,7 млрд

¹⁰ Тўланмаган қарзнинг ҳар қандай номинал суммасининг реал қиймати нархлар ошиши билан камаяди.


¹¹ European Central Bank, Financial stability implications of higher than expected inflation, 2022.
https://www.ecb.europa.eu/pub/financial-stability/fsr/focus/2022/html/ecb.fsrbox202205_03~df74747300.en.html

¹² International Monetary Fund, World Economic Outlook database, April 2022.
<https://www.imf.org/en/Publications/WEO/weo-database/2022/April/download-entire-database>

¹³ International Monetary Fund, World Economic Outlook Update October 2022, Annex Table 1.1.4.
<https://www.imf.org/en/Publications/WEO/Issues/2022/10/11/world-economic-outlook-october-2022>

АҚШ долларини ташкил этди. Бундан ташқари, хорижий мамлакатлардан ўтказилган иш ҳақи маблағлари пандемия давридан сўнг ўзининг энг юқори қийматига (1,5 млрд АҚШ доллари) эришиб, бирламчи даромадлар сальдосининг ижобий бўлишини таъминлади¹⁴.

9-чизма. 2022 йил 1 июль ҳолатига айрим мамлакатларда ялпи ташқи қарзнинг ЯИМга нисбати, %



Манбалар: Ваколатли давлат органлари, Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Изоҳ: * Арманистон, Беларус, Молдова, Россия, Украина, Ўзбекистон, Қозоғистон давлатлари ҳисобга олинган.


Ўзбекистон ҳукумати 2017 йилда бозор муносабатларига асосланган ислохотларни ўтказиши натижасида, халқаро молия ташкилотлари билан инфратузилмавий лойиҳалар, ҳудудларни ривожлантириш давлат дастурлари ва бюджетни молиялаштириш учун четдан узоқ муддатли ресурслар жалб қилишни фаоллаштирди.

2021 йилда иқтисодиётнинг 7,4 фоизлик юқори ўсиш суръати ҳамда давлат ташқи қарзига йиллик чекловларни жорий этилиши натижасида ялпи ташқи қарзнинг ЯИМга нисбати 60 фоиз атрофида барқарор сақланиб қолинди. 2021 йилда Ўзбекистоннинг ялпи ташқи қарз даражаси МДХ мамлакатлари учун ўртача кўрсаткичидан (71 фоиз) паст бўлди.


¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси (стандарт кўриниши), 2022. <https://cbu.uz/oz/statistics/bop/690339/>

2022 йилнинг I ярим йиллигида Ўзбекистоннинг ялпи ташқи қарз (45,8 млрд АҚШ доллари) таркибида узоқ муддатли қарзлар (39,8 млрд АҚШ доллари) қарийб 87 фоизни ташкил этган¹⁵.

10-чизма. Ўзбекистон банкларининг норезидентлар олдидаги мажбуриятларининг ЯИМга нисбати, %



11-чизма. Ўзбекистон банкларининг норезидентлар олдидаги мажбуриятларининг йиллик ўсиш суръатлари (YoY), %



2022 йил 1 июль ҳолатига кўра, тижорат банкларининг норезидентлар олдидаги ялпи мажбуриятлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22 фоизга ёки 1,6 млрд АҚШ долларига ошиб, қарийб 9 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Пандемия даврида тижорат банкларининг ялпи ташқи мажбуриятларини ЯИМга нисбатида сезиларли ошиш кузатилгандан сўнг, 2021 йилдан бошлаб 11–12 фоиз атрофида шаклланди.

Шунингдек, 2022 йил 1 июль ҳолатига кўра, тижорат банкларининг норезидентлар олдидаги ялпи мажбуриятларининг 67 фоизи хорижий банклар ва халқаро молиявий муассасаларнинг кредит ва қарзларига тўғри келмоқда. Тижорат банкларининг кредит ва қарзлар кўринишидаги ташқи мажбуриятларининг ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгаришсиз қолди.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси, 2022. https://cbu.uz/upload/medialibrary/190/0tppxu240284ssxt4kg0q8ztwb578uvh/uz_BOP_-IIP_2Q2022..pdf

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, тижорат банкларининг норезидентлар олдидаги мажбуриятлари таркибида узоқ муддатли мажбуриятлар 82 фоиз ёки 7,4 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Эътиборли жиҳати шундаки, 2020 йилдан бошлаб тижорат банкларининг қисқа муддатли мажбуриятларининг йиллик ўсиш суръати сезиларли секинлашди ҳамда узоқ муддатли мажбуриятларнинг ўсиш суръатига яқинлашди.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг ялпи ташқи мажбуриятларида узоқ муддатли мажбуриятларнинг юқорилиги ушбу ресурсларни узоқ муддатли манфаатли лойиҳаларни молиялаштиришга сарфланиши ҳамда банкларнинг ликвидлилик рискинни пасайтиришга хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, тижорат банкларининг норезидентлар олдидаги ялпи мажбуриятларининг муддати ички кредит ва валюта бозорига ҳам сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Хусусан, мажбурият муддатининг қисқалиги ташқи маблағларни жалб қилган тижорат банклари учун қарзларни қайта молиялаштириш хавфини оширади. Аксинча, узоқ муддатли қарз мажбуриятлари ушбу хавфни камайтириши ҳамда ташқи шоклар таъсирини юмшатишга ёрдам беради.

1-ҳавола. Иқлим ўзгариши хатарлари

Бугунги кунда иқлим ўзгаришидаги ноаниқликлар молия тизими барқарорлигига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири сифатида қаралмоқда. Иқлим хавфининг аҳамиятга молик бўлган иккита асосий тури мавжуд бўлиб, улар моддий ва ўтиш хавфлари ҳисобланади¹⁶.

Моддий хавфлар, яъни иқлим ўзгариши билан боғлиқ экстремал об-ҳаво ҳодисаларининг кескинлашуви ва тез-тез такрорланиши билан боғлиқ иқтисодий харажатлар молиявий активлар қийматини пасайтириши ёки мажбуриятларни ошириши мумкин. Ўтиш хавфлари эса кам углеродли иқтисодиётга мослашиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, иқлим ўзгаришини юмшатиш ва мослашишга қаратилган сиёсатлардаги ўзгаришлар молиявий активлар ва мажбуриятлар қийматига таъсир қилиши мумкин.

Моддий хавфларнинг кўпайиши молиявий тизим учун ҳам бозор, ҳам кредит хатарларига олиб келиши мумкин. Бозор хатарлари, яъни молиявий активлар қийматининг пасайиши, банклар ва бошқа молия ташкилотлари учун йўқотишларга олиб келиши мумкин. Моддий хатарлар қарз олувчиларнинг даромадлари камайиши ҳисобига кредит йўқотишларини келтириб чиқариши мумкин. Кредит рисклар эса гаровга кўйилган активлар қийматининг пасайиши натижасида юзага келиши мумкин. Ушбу таъсирлар биргаликда молия тизимига кенг таъсир кўрсатиши, инвестициялар қийматини пасайтириши, қарз берувчилар ва молия бозорининг бошқа иштирокчилари учун хатарларни ошириши мумкин.

Иқлим ўзгаришининг иқтисодиётга моддий ва ўтиш хавфлари



Манба: ХВЖ.

¹⁶ Financial Stability Board, The Implications of Climate Change for Financial Stability, 2020. <https://www.fsb.org/wp-content/uploads/P231120.pdf>

Ўтиш хавфлари иқтисодиётдаги муҳим таркибий ўзгаришларни, шу жумладан, инвестицияларнинг қайта тақсимланишини назарда тутди. Бу кўмир, нефт ва газ каби қазиб олинган ёқилғиларни ишлаб чиқариш билан шуғулланган корхоналарга, шунингдек, ёқилғидан фойдаланган бизнес вакиллари ёки энергия билан боғлиқ соҳаларга (масалан, коммунал хизматлар, оғир саноат ва транспорт соҳалари) сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Бозор иштирокчилари томонидан тўсатдан кам углеродли иқтисодиётга тизимлаштирилмаган равишда ўтиш молия тизими барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай тизимлаштирилмаган равишда ўтиш технология ва давлат сиёсатидаги кескин ўзгаришлар сабабли юзага келиши мумкин. Бугунги кунда марказий банклар ва молиявий регуляторлар иқлим ўзгаришининг молиявий барқарорликка таъсирига кўпроқ эътибор қаратишмоқда. Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молиявий секторда иқлим рискларини бошқариш бўйича тажриба алмашиш ва илғор халқаро амалиётни ўрганиш мақсадида 116 аъзони ўз ичига олган ҳамда тобора кенгайиб бораётган Марказий банклар ва назорат органлари молиявий тизимининг экологик тозалигини ошириш ҳамжамиятига (Network of Central Banks and Supervisors for Greening the Financial System, NGFS) аъзо бўлди.

II. Банк тизими барқарорлиги таҳлили

2.1. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили

Капитал монандлилик коэффиценти¹⁷ банклар тўлов қобилиятининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Базел III стандартларига кўра, банк жами капиталининг монандлилик коэффиценти рискка тортилган активларга нисбатан камида 8 фоиз бўлиши тавсия этилган. Бундан ташқари, Базел III стандартларида банк капиталига нисбатан консервация буфери (2,5 фоиз), контрциклик капитал буфери (0–2,5 фоиз), маҳаллий ва глобал тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буфери (аниқ чегараси белгиланмаган) каби қўшимча талабларни ўрнатиш кўзда тутилган.


Ўзбекистонда банк тизими барқарорлигининг жорий ҳолати ҳамда Базел III томонидан тавсия этилган қўшимча капитал буфер талабларини ҳам инобатга олган ҳолда тижорат банклари учун капитал монандлилик коэффиценти 13 фоиз қилиб белгиланган. 2022 йил 1 июль ҳолатига Ўзбекистон банк тизими молиявий барқарорлик кўрсаткичларини мустаҳкам даражада сақлаб қолмоқда. Тижорат банклари Марказий банк томонидан капиталга нисбатан қўйилган минимал талабларни тўлақонли бажарган. Банк тизими потенциал йўқотишларни қоплаш учун етарли капиталга эга.

Марказий банк Базел III тавсияларига мос равишда капиталга қўйилган минимал меъёрий талабларини босқичма-босқич ўзгартирди. 2015 йилда биринчи даражали капитал нисбатининг талаби икки марта 5 фоиздан 8,5 фоизгача, капитал монандлилик коэффиценти эса 10 фоиздан 11,5 фоизгача оширилди. Ушбу ўзгаришларга кўра, биринчи даражали капитал – биринчи даражали асосий капитал (СЕТ1) ва биринчи даражали қўшимча капиталга ажратилган. Навбатдаги ўзгартиришларда регулятив капитал етарлилиги ва биринчи даражали капитал етарлилиги учун минимал талаб 1 фоиз бандга оширилди ва 2017 йил 1 январдан кучга кирди.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабларига кўра регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати 13 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Регулятив капиталнинг монандлик коэффиценти К1 қуйидаги тарзда ҳисобланади:

$$K1 = \frac{\text{Регулятив капитал}}{\text{Рискка тортилган активларнинг умумий суммаси}}$$

12-чизма. Банк тизимида капитал етарлилик кўрсаткичлари, %



Манба: Марказий банк.


2017 йил 1 октябрдаги меъёрий ўзгартиришлар киритилгунга қадар хусусий ва бошқа тижорат банклари учун энг кам устав капитали мос равишда 5 млн ва 10 млн еврога ташкил қилган. Янги ўрнатилган тартибга кўра, барча тижорат банклари учун энг кам устав капиталининг қиймати 100 млрд сўм этиб белгиланди¹⁸. Натижада, Марказий банк томонидан ўрнатилган янги меъёрий талабни бажариш мақсадида барча банклар, айниқса, хусусий банклар ўз капиталларини оширдилар.

2020 йилнинг I чорагида капитал монандлилик коэффициенти кескин ошган. Ҳукуматнинг қўллаб-қувватловчи кредитлаш дастурлари ҳисобига йирик давлат улуши мавжуд банкларнинг активлари тез суръатда ўсган. Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (ЎТТЖ) томонидан киритилган капитал ҳисобидан ушбу банклар капиталлашуви мустақамланган¹⁹.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 26/7-сонли қарори, 2017. <https://lex.uz/docs/3389824>

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3694-сонли Қарори, 2018. <https://lex.uz/docs/3721642>


13-чизма. Ўзбекистон ва айрим асосий савдо ҳамкор давлатлар банк секторларида жами капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати, %



Манбалар: Ваколатли давлат органлари, Марказий банк.

2020–2021 йилларда кредит портфеллари ҳажмининг сезиларли ошиши рискка тортилган активларнинг ўсиш суръатини жадаллаштирди. Рискка тортилган активларнинг ўсиш суръати регулятив капиталнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги ҳисобига капитал монандлилик даражаси қарийб 6 фоиз бандга камайди. Ўз навбатида, давлат улуши мавжуд бўлган банкларнинг капитал монандлилик даражаси қарийб 4 фоиз бандга камайди, бироқ хусусий тижорат банкларида эса ушбу кўрсаткич барқарорлигича сақланиб турибди.


14-чизма. Тизимли аҳамиятга молик банклар ва бошқа банкларнинг капитал монандлилик коэффиценти (2022 йил 1 июль ҳолатига), %



Манба: Марказий банк.

2022 йилда Марказий банк тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлаш бўйича дастлабки тадқиқотларни амалга оширди. Тизимли аҳамиятга эга банкларнинг барчаси давлат улуши мавжуд банклар бўлиб, ҳукумат асосан мазкур банклар орқали турли давлат дастурларини молиялаштиради²⁰. Бу эса, тизимли аҳамиятга молик банкларнинг капиталлашув даражаси бошқа тижорат банкларига нисбатан юқори бўлишига сабаб бўлмоқда.

15-чизма. Банк тизимида ликвидликни қоплаш коэффиценти (LCR), %




Манба: Марказий банк.

²⁰ Тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлашда банк ҳажми, ўзаро боғлиқлик, қамров ва амалга оширган операцияларнинг мураккаблиги кўрсаткичлари инобатга олинган.

Банк тизими бўйича ликвидликни қоплаш коэффициентини (Liquidity Coverage Ratio, LCR) Марказий банк томонидан ўрнатилган меъерий минимал талаблардан анча юқори бўлиши банклар қисқа муддатли ликвидлик шокларига бардош бера олишини кўрсатмоқда. 2020 йил I чорагида кескин карантин чекловлари ўрнатилиши оқибатида иқтисодий фаоллик пасайишига қарамасдан, Марказий банк томонидан ўз вақтида етарлича ликвидлик билан таъминланганлиги натижасида банкларда ликвидликни қоплаш коэффициентини кескин пасайишининг олди олинди.

2021 йил бошида Марказий банк томонидан ликвидликни қоплаш коэффициентини ҳисоблаш методологиясининг ўзгартирилиши хорижий валютадаги соф харажатни аниқроқ баҳолаш имконини яратди. Ушбу ўзгартиришлар юқори ликвидли активлар ҳамда хорижий валютадаги активларга нисбатан кўйиладиган талабларни кучайтирди. Натижада, банк тизимида хорижий валютадаги ликвидликни қоплаш коэффициентини кескин пасайди.

16-чизма. Банк сектори учун соф барқарор молиялаштириш меъери коэффициентини (NSFR), %



Манба: Марказий банк.

Базел III стандартларига асосан банк тизими ликвидлигини таъминлаш мақсадида жорий қилинган соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти (Net Stable Funding Ratio, NSFR) барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасини барқарор молиялаштиришнинг зарур суммасига нисбати сифатида аниқланади²¹. 2020 йил ва 2022 йил II чорак давр оралиғида Ўзбекистон банк тизимидаги жами соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти ўрнатилган минимал талабдан (100 фоиз) юқори даражада шаклланиб, 2020 йил II чорагидан бошлаб ўсиш трендига эга бўлди.

Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти 2020 йил I чорагида пасайган. Ушбу пасайиш пандемия сабабли жорий қилинган чекловлар натижасида депозитлар ўсиш даражаси секинлашиши ҳамда юридик шахсларга ажратилаётган бир йилдан ортиқ муддатли кредитлар ҳажми сезиларли равишда ошганлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, пандемия даврида кредит олувчиларнинг молиявий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда унинг банк тизимига салбий таъсирини юмшатиш ҳамда муаммоли кредитларнинг кескин ўзгаришларини жиловлаш мақсадида молиявий қийинчиликларга дуч келган юридик ва жисмоний шахслар учун кредитлар бўйича тўловларга кечиктириш тақдим этилди²².


2021 йил июль ойида 2020 йил ноябрга нисбатан миллий валютадаги соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти 10,1 фоиз бандга кўтарилди. Бунда бир йилдан юқори бўлган миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаларининг 2,4 фоиз бандга²³ ошиши ҳамда валюта алмашув курсининг барқарорлиги натижасида депозитлар ҳажмининг сезиларли кўпайишига сабаб бўлган. 2022 йил давомида жами соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти 110–120 фоиз оралиғида шаклланиб келмоқда.

²¹ Basel Committee on Banking Supervision, Basel III: the net stable funding ratio, October 2014. <https://www.bis.org/bcbs/publ/d295.pdf>

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли Фармони, 2020 йил 3 апрель. <https://lex.uz/ru/docs/-4780475>

²³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Пул-кредит статистикаси: Миллий валютадаги банк депозитлари бўйича фоиз ставкалари. <https://cbu.uz/uz/statistics/dks/679422/>

17-чизма. Банк секторининг рентабеллиги




Манба: Марказий банк.

2020 йилда пандемия билан боғлиқ иқтисодий фаоллик пасайган бўлса-да, банклар соф фойдасида 2020 йил охиригача ўсиш кузатилди. Аммо, пандемия 2021 йилда банкларнинг рентабеллигига салбий таъсир кўрсатди. 2021 йил якунига кўра, банк тизимининг соф фойдаси 2020 йил охирига нисбатан қарийб 1,8 трлн сўмга камайди. Пандемия чекловлари юмшатирилганлиги натижасида 2022 йил I ярмида эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан банклар 1,7 трлн сўмга кўпроқ соф фойдага эришган.

Банкларнинг рентабеллик коэффициентлари банкларнинг соф фойдаси билан банк активлари ва капиталлари динамикалари бир хил суръатларда ошмаганлигини кўрсатмоқда. 2017 йилда капитал рентабеллиги коэффициенти (ROE) сўнгги 5 йиллик даврдаги энг юқори қийматини (25 фоиз) қайд этди. 2020 ва 2021 йилларда капитал рентабеллиги 10 фоиз атрофида сақланиб қолди. 2020 йилнинг бошида банклар рентабеллигининг пасайиши давлат улуши мавжуд банкларда сезиларли бўлди. 2021 йилнинг IV чорагида регулятив капиталнинг ошиши ҳамда соф фойданинг камайиши натижасида банк тизимида капитал рентабеллиги пасайди.


18-чизма. Банк тизимида активлар рентабеллиги (ROA) кўрсаткичининг декомпозицияси, %



Манба: Марказий банк.

Ўзбекистонда тижорат банклари асосан анъанавий банк фаолияти, яъни депозит қабул қилиш ва кредит ажратиш билан шуғулланади. Банкларнинг ўз хизматларини диверсификация қилиш бўйича чора-тадбирларига қарамасдан, молия бозори етарлича ривожланмаганлиги инвестицион банк хизматларини таклиф қилиш имкониятларини чекламоқда. Фоизли даромадлар доимий тарзда банклар даромадининг катта қисмини ташкил этиб, сўнгги тўрт йил ичида фоизли даромадлар ва харажатларнинг улуши ортди.

19-чизма. Депозитнинг кредитга нисбати кўрсаткичи, %



Манба: Марказий банк.


Ўзбекистонда депозитлар миқдорининг кредит миқдорига нисбатан кичик бўлиши давлат улуши мавжуд бўлган йирик банклар томонидан берилаётган кредитлар асосан бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилаётганлигини англатади²⁴. Мазкур кредитларни асосан марказлашган маблағлар, халқаро капитал бозорлари ҳамда хорижий молия институтларидан олинган қарзлар, хусусий банклар эса асосан жалб қилинган депозитлар ҳисобидан кредитлаш амалиётини оширмоқда. 2020 йилгача бўлган даврда кредитлар депозитларга нисбатан тезроқ ўсди. 2022 йилнинг II чорагида депозитнинг кредитга нисбати 2018 йилнинг мос давридаги юқори чўққисига қайтди.

²⁴ Депозитнинг кредитга нисбатининг 100 фоиздан анча паст бўлиши банклар кредит ажратишни депозитлардан ташқари бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириши кераклигини англатади. Аксинча, мазкур нисбатнинг 100 фоиздан юқори бўлиши депозитлар етарли даражада кредит ажратишда хизмат қилмаётганлиги ҳамда банклар ўз имконияти доирасида даромад олмаётганлигини кўрсатиши мумкин.

2-ҳавола. Хатарлар харитаси

Ўргимчак тўри харитаси (spider chart)²⁵ уч ёки учдан кўп кўрсаткичларни умумлаштирилган ўлчамда таққослаш мақсадида фойдаланилади. Бунда ўргимчак тўри харитасининг маркази кузатилаётган кўрсаткичнинг энг яхши (хатарсиз) даражасини, марказдан энг узоқ жойлашган нуқтаси эса энг ёмон (хатарли) даражасини англатади. Жумладан, кўрсаткичларнинг марказга яқинлашиши ушбу индикаторнинг яхшиланиши ва рисклилиқ даражаси пасаётганлиги, марказдан узоқлашиши эса рисклилиқ даражаси ортиб бораётганлигини кўрсатади.

1-чизма. Кредит бозорининг ҳолати



Манбалар: Статистика қўмитаси ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Кредит бозори ҳолати бўйича хатарлар харитасига кўра, жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг аҳоли ихтиёридаги даромадига нисбати ҳамда жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг депозитга нисбати кўрсаткичлари пандемия давридан олдинги барқарор даражасига қайтганлигини кўриш мумкин. Хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати, фоизли харажатларни қоплаш коэффиценти ва банклар мажбуриятининг капиталга нисбати кўрсаткичлари эса пандемия давридан олдинги даражасига етганича йўқ.

2021–2022 йиллар I ярим йиллигида хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати кўрсаткичи 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ошган. Бунга 2021 йилдан бошлаб иқтисодий фаолликнинг ошиши ва ўз навбатида, банклар томонидан ажратилган кредитларнинг ўсиши сабаб бўлди.

Кредитларнинг ЯИМга нисбати кўрсаткичининг ўсиши қарз юки даражасининг ошишига олиб келиши мумкин.

Жисмоний шахслар қарзларининг уларнинг ихтиёридаги даромадларига нисбатида 2021 йилда ижобий томонга ўзгарган. Бунда аҳоли ихтиёридаги даромадлар ошган ҳолда тўловчанлик қобилияти ҳам кўтарилган. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг депозитларга нисбатан юқори бўлиши кредитлар етарли равишда депозитлар ҳисобидан молиялаштирилмаётганлигини кўрсатади. 2022 йилнинг I ярим йиллиги давомида жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари 2021 йилнинг мос даврига нисбатан ошиши²⁶ депозитлар ҳажмида сезиларли ўсишига сабаб бўлди ҳамда 2020 ва 2021 йилларнинг мос даврига нисбатан рисклилиқ даражасининг пасайишига олиб келди.

Банклар жами қарз мажбуриятларининг жами капиталга нисбати банклар фаолиятини қайси манбалар ҳисобига амалга ошираётганлигини кўрсатади. 2020 йилдан бошлаб бир қатор йирик банклар томонидан халқаро капитал бозорларида корпоратив облигацияларни чиқариш орқали жалб этилган маблағлар банкларнинг қарз мажбуриятлари ошишига олиб келди. Бунинг натижасида 2021–2022 йилларда банклар учун кўшимча қарз мажбуриятининг ошиши хатарлилиқ даражасининг ёмонлашувига олиб келди.

²⁵ The Bank of Korea, Financial Stability Report, April 2008, pp. 113-115.

https://www.bok.or.kr/viewer/skin/doc.html?fn=FILE_201803300851194481.pdf&rs=/webview/result/E0000737/200806

Ўргимчак тўри харитаси Корея банкининг 2008 йилги молиявий барқарорлик шарҳида келтирилган молиявий барқарорлик харитаси учун қўлланилган методология асосида ишлаб чиқилди. Ўргимчак тўри харитасини тузиш учун дастлаб ҳар бир индикатор учун маълум даврий оралиқ танлаб олинади. Шундан сўнг, берилган маълумотлардан стандартлаштирилган кўрсаткичларни (Z-score) ҳисоблаш учун қуйидаги формула қўлланади:

$$Z_{i,t} = \frac{x_{i,t} - \bar{x}}{\sigma_{i,t}}$$

Бу ерда, $x_{i,t}$ –индикатор, \bar{x} –индикаторнинг ўрта арифметиғи, $\sigma_{i,t}$ –индикаторнинг стандарт четлашиши.

Ҳисобланган маълумотлар қуйидаги логарифмик функциянинг формуласи орқали харитага

жойлаштирилади: $r_{i,t} = \frac{1}{(1 + \exp(\pm z_{i,t}))}$

Бунда ҳар бир кўрсаткичнинг минимал ва максимал чегараси 0 ва 1 оралиқда бўлади. Агар, натижа 1 га яқин бўлса, рисклилиқ даражаси юқорилигини, 0 га яқин бўлса рисклилиқ даражаси пастлигини ифодалайди.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2022 йил I ярим йиллик Статистик бюллетень, 2022.

<https://cbu.uz/oz/statistics/buletten/672777/>

2-чизма. Молиявий барқарорлик ҳолати



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Банк сектори бўйича хатарлар харитасига кўра, фақатгина субстандарт ва ундан қуйи кредитлар улуши кўрсаткичи пандемия давридан олдинги даражасига қайтмаганлигини кўриш мумкин.

Банк секторида жами активларнинг ўсиш суръатида 2020–2022 йилларнинг I ярмида сезиларли даражада ўзгариш кузатилмади. Банкларнинг кредит портфелида субстандарт ва ундан қуйи тоифадаги кредит турларининг мавжудлиги кредитларнинг ўз муддатида қайтарилишида муаммолар борлигини ифодалайди. Мазкур кредит турларининг юқори улушга эга бўлиши кредитларнинг қайтмаслиги бўйича рисклилик даражаси баланд эканлигини кўрсатади. 2021–2022 йилларда пандемиядан кейинги иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлаш мақсадида кредитлаш ҳажмининг ошиши натижасида субстандарт ва қуйи тоифадаги кредитлар улушининг ўсишига тўртки бўлган.

2021 йилнинг I ярим йиллигида 2020 йилнинг мос даврига нисбатан банклар активларининг рентабеллиги кўрсаткичи сезиларли пасайган. Бунда 2020 йил III чорагидан бошлаб банкларнинг жами активларининг ўсиш суръати солиқ тўлангунга қадар фойдасининг ўсиш суръатидан юқори бўлиши активларнинг рентабеллиги пасайишига сабаб бўлган. 2022 йил 1 июль ҳолатига банклар активларининг рентабеллиги кўрсаткичи пандемия давридан кейинги иқтисодий фаолликнинг ошиши натижасида 2020–2021 йилларнинг мос даврига нисбатан кескин кўтарилди ҳамда банк рентабеллиги бўйича минимал хатарли ҳудудга яқинлашди.

3-чизма. Банк тизими бардошлилиги



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.


Банк тизимининг молиявий барқарорлик ҳолати бўйича хатарлар харитасига кўра, фақатгина ликвидликни қоплаш коэффициенти пандемия давридан олдинги даражасига қайтганлигини кўриш мумкин.

2022 йилнинг 1 июль ҳолатига регулятив капиталнинг монандлик коэффициенти 2020 ва 2021 йилларнинг мос ҳолатига нисбатан рискка тортилган активларнинг ошиши ва муаммоли кредитларнинг улуши сезиларли ўсиши сабабли ўмонлашган. Банкларнинг ликвидликни қоплаш коэффициенти, жумладан, хорижий валютадаги ликвидликни қоплаш коэффициенти 2021 йилнинг I ярим йиллиги якуни бўйича 2020 йилнинг мос даврига нисбатан марказдан узоқлашган ва бу ҳолат Марказий банкнинг 2021 йилнинг аввалида жорий қилинган ликвидликни қоплаш коэффициенти бўйича ҳисоблаш методологиясига киритган ўзгартиришлар (хорижий валютадаги ликвид активларга қўйилган талабларнинг кучайтирилиши) таъсири билан изоҳланади.


2.2. Муаммоли кредитлар

2019 йилнинг IV чорагидан бошлаб банкларнинг муаммоли кредитлари бўйича маълумотлари шаффофлигини ошириш юзасидан Марказий банк назорати кучайтирилганлиги муаммоли кредитларни тўлиқ ёритишга сезиларли таъсир кўрсатди. Бундан ташқари, Ковид-19 чекловлари билан боғлиқ иқтисодий пасайиш муаммоли кредитларнинг сезиларли ўсишига туртки бўлди.

20-чизма. Турли мамлакатларда муаммоли кредитлар улуши, %



21-чизма. Турли мамлакатларда муаммоли кредитлар улуши, % (2022 йил 1 июль ҳолатига)



Манбалар: Ваколатли давлат органлари, ХВЖ ва Марказий банк.


Изоҳ: * Арманистон, Грузия, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон давлатлари ҳисобга олинган. Тожикистон, Туркманистон ва Озарбайжон давлатлари улар бўйича маълумотлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли инобатга олинмаган.

† Арманистон, Беларус, Молдова, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон давлатлари ҳисобга олинган. Россия, Тожикистон ва Озарбайжон давлатлари улар бўйича маълумотлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли инобатга олинмаган.

2016–2019 йилларда Ўзбекистонда муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 0,7–1,5 фоиз атрофида бўлиб, бу МДҲ давлатлари орасида энг паст даражада шаклланган. 2020 йилнинг I чорагидан бошлаб муаммоли кредитларнинг тез суръатларда ўсиши ва 2022 йил 1 июль ҳолатига келиб 4,9 фоиз даражасида шаклланганлиги пандемия даврида иқтисодий фаолликнинг секинлашиши сабабли бизнес субъектлар ва аҳоли даромадлари қисқаришига мос равишда тўловга қобилиятлилиги пасайиши билан боғлиқ.

Ўзбекистонда банклар томонидан кредитлар бўйича эҳтимолий зарарларни қоплашга мўлжалланган захиралари етарли даражада шакллантиришга катта урғу берилмоқда. 2018 йилнинг II ярмидан 2021 йилгача бўлган даврда банкларнинг эҳтимолий кредит йўқотишларини қоплаш учун шакллантириладиган захираларнинг ўсиш суръати муаммоли кредитлар ўсиш суръатидан пастроқ бўлди.

22-чизма. Банк тизимида муаммоли кредитлар ва эҳтимолий зарарларни қоплашга мўлжалланган захиралар, %




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

2021 йил бошидан 2022 йил I ярим йиллик якунигача бўлган даврда муаммоли кредитлар таркибида асосан қониқарсиз ҳамда шубҳали кредитлар миқдори мос равишда 3,5 ва 4,2 мартага ошди. Бу эса, муаммоли кредитларнинг миқдори улар бўйича шаклланган захира миқдорига нисбатан юқори суръатларда ўсишига туртки бўлди²⁷. Натижада, муаммоли кредитларнинг капиталга нисбати 10 фоиз бандга ошди, муаммоли кредитларни қоплаш даражаси эса 27 фоиз бандга пасайди.

Жами кредитлар ҳажмининг ўсиши муаммоли кредитлар улушининг пасайишига таъсир кўрсатди. Сўнги даврларда валюта алмашинув курсининг нисбатан барқарор динамикага эга бўлганлиги курс ўзгаришининг муаммоли кредитлар улушининг йиллик ўзгаришига таъсирини камайтирди.

²⁷ Қониқарсиз кредитлар учун 25 фоиз, шубҳали кредитлар учун 50 фоиз ва умидсиз кредитлар учун 100 фоиз захира меъёрлари ўрнатилган.

23-чизма. Муаммоли кредитлар улушининг йиллик ўзгариши декомпозицияси, %




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.


Хусусий банкларда муаммоли кредитларнинг улуши давлат улуши мавжуд бўлган банкларга нисбатан пастроқ шаклланган. Бунинг асосий сабаблари сифатида мижозларга йўналтирилган бизнес модели, илғор корпоратив бошқарув ва рискларни бошқариш сиёсати, кредитлар ажратиш бўйича қатъий талаблар ҳамда йирик корпоратив кредитларга нисбатан истеъмол кредитларини ажратишга эътибор қаратилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Хусусий банклардаги кредит портфелининг сифати давлат улуши мавжуд бўлган банкларга нисбатан эртароқ ёмонлаша бошлади ҳамда муаммоли кредитлар улушига таъсир этувчи омилларга нисбатан таъсирчан эканлигини кўрсатди. Хусусий банклар давлат улуши мавжуд бўлган банклардан фарқли равишда бошқариш учун қулай бўлган кичик кредит портфелларига эга. 2021 йил бошида давлат улуши мавжуд бўлган банкларда муаммоли кредитлар улушининг кескин ўсиши кузатилиб, 2021 йил ўрталарига келиб хусусий банклар кўрсаткичидан ошиб кетди ҳамда юқорилигича сақланиб қолинди.

24-чизма. Давлат улуши мавжуд банклар ва хусусий банкларнинг жами кредитлари таркибидаги муаммоли кредитлар улуши, %




25-чизма. Жами кредитлар таркибида муаммоли кредитларнинг улуши ва кредит ҳажмининг ўсиши, %



Манба: Марказий банк.

Кредит ҳажмининг ўсиши ва муаммоли кредитлар улуши ўртасида кучсиз боғлиқлик мавжуд. 2017 йилнинг III чорагида валюта либерализацияси банкларда хорижий валютадаги активларининг икки карра ошишига ва жами кредитларнинг қарийб 50 фоизга ўсишига олиб келган. 2019 йил якунларига кўра, давлат улуши мавжуд бўлган йирик банкларнинг қарийб 40 млрд сўм эквивалентидаги кредитлари ЎТТЖ балансига ўтказилиши ҳисобига кредитлар ҳажмининг ўсиши секинлашган.

26-чизма. Секторлар бўйича муаммоли кредитларнинг тақсимланиши, %



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Сўнги олти йил мобайнида саноат соҳаси муаммоли кредитлар ҳажмида энг катта улушга эга бўлди. Қишлоқ хўжалиги муаммоли кредитлар ҳажми жами муаммоли кредитлар таркибида кейинги ўринни эгаллади. 2020 йилнинг I чорагидан, яъни пандемия бошланганидан сўнг бошқа тармоқларнинг улуши, хусусан, жисмоний шахсларга ажратилган муаммоли кредитларнинг улуши ўса бошлади.


2.3. Қарз юки таҳлили

2020 йилда Ўзбекистонда хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати 36 фоизни ташкил этди. Ўзбекистоннинг кўрсаткичи даромади ўртадан пастроқ бўлган давлатлар²⁸ бўйича ўртача кўрсаткичга яқин, бироқ даромади ўртадан юқорироқ бўлган давлатларнинг²⁹ ўртачасидан (144 фоиз) эса анча паст бўлди. Ўзбекистонда хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати даромади ўртадан пастроқ бўлган давлатлар кўрсаткичларига деярли мос келди.

27-чизма. Хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати ва барча давлатларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, 2020 йил



28-чизма. Хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати ва даромади ўртадан пастроқ бўлган давлатлар бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, 2020 йил




Манбалар: Жаҳон банки ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

²⁸ 2021 йил 1 июль ҳолатига Жаҳон банки томонидан мамлакатларнинг даромадига кўра таснифлашда ўрнатилган мезонга асосан даромади ўртадан пастроқ бўлган давлатлар гуруҳига ялпи миллий даромад (ЯМД)нинг аҳоли жон бошига қиймати 1046–4095 АҚШ доллари оралиғида бўлган 55 та давлат, хусусан, Ўзбекистон ҳам киритилган.


²⁹ 2021 йил 1 июль ҳолатига Жаҳон банки томонидан мамлакатларнинг даромадига кўра таснифлашда ўрнатилган мезонга асосан даромади ўртадан юқорироқ бўлган давлатлар гуруҳига ЯМДнинг аҳоли жон бошига қиймати 4096–12695 АҚШ доллари оралиғида бўлган 55 та давлат киритилган.

Ўзбекистонда умумий кредитларнинг ЯИМга нисбати иқтисодий ривожланиш даражаси ўхшаш бўлган мамлакатлари билан солиштириш мақсадида процентил чегараларидан³⁰ фойдаланилди. 2016 йилгача Ўзбекистондаги жами кредитларнинг ЯИМга нисбати МДХ ва ўрта даромадли мамлакатларнинг пастки поғонадагилари бўйича медиана кўрсаткичидан паст шаклланган бўлса, 2017 йилдан Ўзбекистонда кредитлаш жараёнининг жадаллашуви натижасида кредитлар ҳажмининг ўсиш суръати ЯИМ ўсиш суръатидан юқори бўлди.

29-чизма. МДХ давлатлари* бўйича жами кредитларнинг ЯИМга нисбати, %



30-чизма. Даромади ўртадан пастроқ бўлган давлатлар бўйича жами кредитларнинг ЯИМга нисбати, %




Манбалар: Жаҳон банки, ваколатли органлар ва Марказий банк ҳисоб-китоблари.
Изоҳ: * Арманистон, Беларус, Молдова, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон.

2019 йилда Ўзбекистондаги жами кредитларнинг ЯИМга нисбати даромади ўртадан пастроқ бўлган давлатлар бўйича медиана кўрсаткичига деярли тенглашди. 2021 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистонда жами кредитларнинг ЯИМга нисбати МДХ мамлакатларининг медиана кўрсаткичидан сезиларли фарқ билан ошиб кетди.

³⁰ Жами кўрсаткичларнинг энг паст ва энг юқори 25 фоизларини инобатга олмаган ҳолда чегараларни белгилаш орқали айнан ўрганилаётган кўрсаткичнинг ушбу оралиқда жойлашган ўрни ҳамда медиана чизигидан қанчалик четлатганлигини ифодаловчи визуал таҳлил тури.

31-чизма. Жами кредитларнинг ЯИМга нисбати таркиби, %



32-чизма. Кредит қолдиғининг йиллик ўсиши (ҲоҲ), %




Манба: Марказий банк.


Қарз олувчилар турлари бўйича умумий кредитнинг ЯИМга нисбати шуни кўрсатмоқдаки, юридик шахсларга берилган кредитлар ҳажми банк тизимидаги кредит портфелининг қарийб $\frac{3}{4}$ қисмини ташкил қилади. Жисмоний шахсларга ажратилаётган кредитларнинг жами кредитлардаги улуши паст бўлса-да, у ўсиб бормоқда. Жумладан, 2022 йил 1 июль ҳолатига кўра, жисмоний шахсларга ажратилаётган кредитларнинг жами кредитлардаги улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 фоизли бандга ошиб, 23 фоизни ташкил этди.

Банклар томонидан жисмоний шахсларга чет эл валютасида кредит бериши чекланганлиги сабабли миллий валюта курсининг ўзгариши жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳажмига таъсир қилмади. 2019 йил охирида юридик шахсларга берилган қарийб 40 млрд сўмлик кредитларни банклар балансидан ЎТТЖ балансига ўтказилиши натижасида юридик шахсларга ажратилган кредитларнинг ўсиши қарийб 31 фоизга камайди. 2021–2022 йилларда жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг йиллик ўсиш суръатлари 30 фоиз атрофида барқарор шаклланди. 2021 йил бошидан 2022 йил II чораги якунигача бўлган давр оралиғида юридик шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг ўсиш суръати 19 фоиз бандга камайди.

33-чизма. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати, %



34-чизма. Жисмоний шахсларга ажратилган кредит қолдиқлари, трлн сўм




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Ипотека кредитлари жисмоний шахсларга ажратилган барча кредитларнинг қарийб ярмига тўғри келмоқда ва 2022 йилнинг 1 июль ҳолатига ЯИМга нисбатан тахминан 5 фоизни ташкил этди. Микроқарз тез оммалашиб бораётган янги кредит маҳсулоти бўлиб, истеъмол кредитлари билан деярли бир хил улушга эга бўлмоқда. Микроқарзнинг улуши жадал равишда ошиб бораётганлиги унинг бошқа кредит турларига нисбатан, жумладан, истеъмол кредитларига нисбатан ортиқча расмийлаштириш жараёнларисиз олиш имконияти мавжудлиги билан изоҳланади.


Қарзга хизмат кўрсатиш нисбати (debt service ratio, DSR) жами аҳолининг ёки айнан қарз олувчилар даромадларининг қанча қисми қарзни (асосий қарз ҳамда фоиз тўлови) сўндириш учун сарфланишини ифода этади³¹.

³¹ Drehmann, M. and M. Juselius (2012): "Do debt service costs affect macroeconomic and financial stability?", BIS Quarterly Review, September. https://www.bis.org/publ/qtrpdf/r_qt1209e.pdf.

35-чизма. Жисмоний шахсларга ажратилган жами кредитлар бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати, %



36-чизма. Жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати, %



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Ўз навбатида, қарзга хизмат кўрсатиш нисбатини ҳисоблашда кредитлар бўйича фоиз ставкалари, суммалари, муддатлари ҳамда кредит олувчиларнинг ихтиёридаги даромади инобатга олинган³².

Жами кредит олувчилар бўйича ҳисобланган қарзга хизмат кўрсатиш нисбати 2019 йил бошидан 2022 йил I чорагигача бўлган давр оралиғида ажратилган кредитлар бўйича жисмоний шахсларнинг қарзга хизмат кўрсатиш нисбатида пасайиш тенденцияси кузатилиб, 15 фоиз бандга пасайган.

2019 йил IV чорагида ўтган чоракка нисбатан қарзга хизмат кўрсатиш нисбатининг кескин пасайиши ажратилган кредитлар ҳажмининг камайиши ҳамда ажратилган кредитлар таркибида узоқ

³² Кредит олувчи жисмоний шахсларнинг қарзга хизмат кўрсатиш нисбати қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$DSR_{j,t} = \frac{i_{j,t}}{(1 - (1 + i_{j,t})^{-s_{j,t}})} * \frac{D_{j,t}}{Y_{j,t}}$$

Бу ерда:

DSR – қарзга хизмат кўрсатиш нисбати

i – ажратилган кредитларнинг ўртача тортилган йиллик фоиз ставкаси

s – ажратилган кредитларнинг ўртача тортилган йиллик муддати

D – кредит бўйича қолдиқ суммаси

Y – кредит олувчиларнинг ихтиёридаги йиллик даромади

j – кредит тури

t – йиллар

муддатли кредитлар улушининг ортиши натижасида юзага келган. Бундан ташқари, 2020–2021 йилларда жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳажми ҳамда уларнинг жами чораклик даромадларининг мутаносиб равишда ўзгариши натижасида кредит олувчиларнинг ихтиёридаги даромадларининг ўртача 12 фоизи кредитлар бўйича мажбуриятларни бажаришга йўналтирилган.

2022 йил II чорагида жами кредит олувчиларнинг чораклик даромадлари ўтган даврларга нисбатан юқори қийматига эришган бўлса-да, ажратилган кредитлар ҳажмининг сезиларли даражада ошгани (ўтган чоракка нисбатан 31 фоизга) ҳисобига қарзга хизмат кўрсатиш нисбати 4 фоиз бандга ўсган.

2019 йил давомида жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати 60 фоиз атрофида шаклланди. 2020 йил I чорагидаги кўрсаткичнинг кескин кўтарилишига жисмоний шахслар учун ажратилган кредитлар ҳажмида йирик қарз олувчилар улушининг³³ 35 фоиз бандга ортиши сабаб бўлган. Бу эса, ўз навбатида, ипотека кредити олувчиларнинг жами чораклик даромадига нисбатан ажратилган кредитлар ҳажми номуносив тарзда юқори бўлишига олиб келган. Бундан ташқари, минимал истеъмол харажатларининг 11 фоизга ва ҳар бир ипотека кредит олувчига тўғри келадиган кредит суммасининг³⁴ 82 фоизга ошиши қарзга хизмат кўрсатиш нисбатининг ўзгаришига салбий таъсир кўрсатди.

2021 йилнинг II чорагида ипотека кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбатида кескин ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, 2021 йилнинг II чорагида ҳар бир ипотека кредити олувчиларга тўғри келадиган кредит суммасининг ҳамда ўртача тортилган йиллик фоиз ставкасининг ошиши қарзга хизмат кўрсатиш нисбатининг сезиларли ўсишига олиб келган. Ўз навбатида, 2022 йилда ипотека кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбатида деярли ўзгариш кузатилмади ҳамда 65 фоиз атрофида барқарор шаклланди.

³³ Йирик кредит олувчилар сифатида 100 млн сўмдан юқори бўлган кредитлар олинган.


³⁴ Жами кредит суммасининг жами кредит олувчилар сонига нисбати.

III. Макропруденциал сиёсат воситалари

3.1. Кредит тўловини даромадга нисбати ҳамда кредитни гаров қийматига нисбати

Жаҳон амалиётида марказий банклар молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва тизимли рискларни юмшатиш мақсадида бир қатор макропруденциал воситалардан фойдаланади. Ўз навбатида, макропруденциал воситаларига капиталнинг консервация буфери, контрциклик капитал буфери, маҳаллий ва глобал тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буфер, кредитни гаров қийматига нисбати (Loan-to-value, LTV) ҳамда кредит тўловининг даромадга нисбати (Payment-to-income, PTI) бўйича чекловлар ва бошқалар киради. Бугунги кунда Ўзбекистонда кредитни гаров қийматига нисбати ва кредит тўловини даромадга нисбати каби макропруденциал воситалар амалиётда қўлланиб келинмоқда.

37-чизма. Жами ипотека кредитлари бўйича кредит тўловларини даромадга нисбати (PTI) кўрсаткичи тақсимланиши



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

2020 йилда Марказий банк кредит тўловининг даромадга нисбати 50 фоиздан ортиқ бўлган жисмоний шахсларга кредитлар бериш бўйича чекловни жорий қилди³⁵. Кредитлар ҳажми улушида

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (микроқарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш тартиби, қарз юкининг рухсат этилган миқдори,

ипотека кредитларининг салмоғи юқорилиги сабабли кредит тўловининг даромадга нисбати ипотека кредитлари бўйича таҳлил қилинган³⁶.

2018–2021 йилларда жами ипотека кредитлари бўйича кредит тўловининг даромадга нисбати динамикасига кўра кредит ажратиш вақтида кредит тўловини даромадга нисбати 51 фоиздан ортиқ бўлган кредитларнинг улуши жуда юқори бўлган. Буни Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари ажратиш тўғрисидаги низомга³⁷ кўра кредит тўловининг даромадга нисбати 70 фоиздан ошмаган жисмоний шахсларга ипотека кредитлари олиш учун рухсат берилиши билан изоҳлаш мумкин. Бунда қарз юкини ҳисоблашда ипотека кредити олишга маблағлари етарли бўлмаган қарз олувчиларга биргаликда қарз олувчиларнинг даромадларини ҳисобга олиш имкони мавжуд. Биргаликда қарз олувчилар қарздор билан биргаликда олинган кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни тўлашга масъул ҳисобланади. Бундай амалиётда қарз олувчилар гуруҳи учун ипотека кредити тўловини даромадга нисбати камайиши, асосий қарз олувчи учун эса ушбу кўрсаткич ошиши мумкин.

2021 йилда Марказий банк томонидан кредит суммасини гаров суммасига нисбати (LTV) кўрсаткичи жорий қилинган³⁸. Бунда кредит суммасини гаров суммасига нисбати учун бевосита чекловлар эмас, балки ипотека кредитининг таваккалчилик даражасидан келиб чиққан ҳолда билвосита усулда тартибга солиш белгиланган. Кредит суммасининг гаров суммаси нисбатларига чекловлар таввакалчилик даражаларидан келиб чиқиб қуйидаги гуруҳларга тақсимланган³⁹:

шунингдек қарз юки ўсишини чеклаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 24/5-сонли қарори, 2019. <https://lex.uz/docs/4654149>

³⁶ Жами ипотека кредитлари бўйича кредит тўловининг даромадга нисбати қарз олувчининг маълум бир ипотека бўйича ойлик кредит тўловларини қарз олувчининг ойлик даромадига нисбати орқали аниқланади.

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 56-сонли қарори, 2021. <https://lex.uz/uz/docs/5266510>

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 28/22-сонли қарори, 2021. <https://lex.uz/docs/5292850>

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 14/3-сон қарори, 2015. <https://lex.uz/docs/2699536>


1-жадвал. Ипотека кредитларининг таваккалчилик даражалари

Тавсифи	Кредит суммасини гаров суммасига нисбати (LTV)				Суд жараёнидаги ва (ёки) белгиланган муддатда ундирилмаган қарздорликлари мавжуд бўлган кредитлар
	LTV < 50%	50% ≤ LTV < 75%	75% ≤ LTV < 100%	100% ≤ LTV	
Таваккалчилик даражаси	35%	50%	100%	150%	200%

Манба: Марказий банк.

2021 йилда LTV кўрсаткичи тақсимланишида юқори рискли ипотека кредитлари, яъни кредит суммасини гаров суммасига нисбати 76–80 фоиз оралиғида бўлган ипотека кредитлари энг катта улушни ташкил этди. Кредит суммасининг гаров суммасига нисбати учун билвосита чекловнинг жорий этилиши ипотека кредитларининг таваккалчилик даражасини пасайтиришга хизмат қилди. Ўз навбатида, Марказий банк кредит суммасининг гаров суммасига нисбатини кредитларнинг таваккалчилик даражасига боғлаш орқали тижорат банклари учун ушбу талабни меъёрий пруденциал кўрсаткичлари асосида бажариш имконини берди.


38-чизма. Уй-жой сотиб олиш учун ажратилган кредитлар суммасини уларнинг гаров суммасига нисбати (LTV) кўрсаткичининг тақсимланиши




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Бирламчи бозор учун ажратилган ипотека кредитлари янги қурилган ёки қурилаётган уйлар учун ажратилади. Бунда уй-жой қуриш компаниялари томонидан кўчмас мулк бозорида тўғридан-тўғри таклиф яратади.

39-чизма. Бирламчи бозор учун ажратилган ипотека кредитлари суммасини уларнинг гарови суммасига нисбати (LTV) кўрсаткичининг тақсимланиши



40-чизма. Иккиламчи бозор учун ажратилган ипотека кредитлари суммасини уларнинг гарови суммасига нисбати (LTV) кўрсаткичининг тақсимланиши



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Банклар учун бирламчи бозордаги уй-жойлар учун ажратилган кредитларнинг таваккалчилик даражаси қуйидаги сабабларга кўра пастроқ ҳисобланади:


- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги аҳолини уй-жой билан таъминлаш давлат дастурлари доирасида тижорат банкларига узоқ муддатли имтиёзли кредитлар учун маблағлар ажратиши;
- қарз олувчининг даромади кредит тўловларини қоплаш учун етарли бўлмаган ҳолларда Молия вазирлигининг дастлабки тўлов ёки кредит фоиз тўловларини қисман субсидиялаш дастурининг мавжудлиги;
- банклар томонидан қурилиш компаниялари иккиламчи бозорда мулк сотадиган жисмоний шахсларга нисбатан ишончлироқ сифатида баҳоланиши.

Бундан ташқари, айрим давлат дастурларига кўра, уй-жой олувчилар уй қийматининг камида 15 фоизи миқдорида дастлабки тўловни амалга оширишлари шарт. Шу сабабларга кўра, банклар томонидан кредит суммасини гаров суммасига нисбати кўрсаткичи юқори бўлган бирламчи бозор учун ипотека кредитларини ажратиш маъқул кўрилади.

Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида тижорат банклари томонидан кўп қаватли уйлар қуриш учун кредитлар ажратиб келинмоқда. Хусусан, 2022 йил 1 сентябрь ҳолатига тижорат банклари томонидан жами ажратилган кредитларнинг қолдиғи 3 трлн сўмни ташкил этмоқда. 2022 йилнинг январь-август ойларида банклар томонидан уй-жой қурилиши (529 та) учун 1,2 трлн сўмлик кредитлар ажратилган.

Ўз навбатида, қурилиб битказилган 169 та уйларнинг 3169 та хонадонлари (1,1 трлн сўм) сотилмаётганлигини таъкидлаш лозим. Бу эса, жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, 47 та пудратчи ташкилотларнинг тижорат банклари олдида муддати 90 кундан ошган жами 392 млрд сўмлик муаммоли кредитлари вужудга келган. Бунда пудратчи ташкилотлар томонидан банклар олдидаги қарзларни сўндириш мақсадида йирик ҳажмдаги сотилмаган уйларни бозор баҳосидан пастроқ нархларда сотилиши мумкин. Бу эса, уй-жой нархларининг динамикаси пасайишига олиб келиши мумкин. Бунда уй-жой нархларининг кескин ва қутилмаган тарзда тушиб кетган тақдирда қарз олувчиларнинг кўчмас мулкларининг қиймати ипотека кредитлари қийматидан пасайиб кетиши мумкин. Бундай вазиятда қарз олувчилар ўзларининг ипотекаларини тўламаслик ҳолатлари авж олиши мумкин ва натижада муаммоли ипотека кредитларнинг ошиши ҳамда банк активлари сифатининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин.

41-чизма. Автоулов сотиб олиш учун ажратилган кредитлар суммасини уларнинг гаров суммасига нисбати (LTV) кўрсаткичининг тақсимланиши



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Ўзбекистонда 2017 йилдан бошлаб тижорат банкларида жисмоний шахсларга автокредит ажратиш амалиёти жадаллашди. Ўз навбатида, тўйинмаган автомобиль бозорида автокредитларга бўлган талабнинг юқорилиги ва автокредитлар бериш амалиётининг оммалашаётганлиги натижасида кредит ҳажми тез суръатларда ўсди ҳамда автокредитлар бўйича таваккалчилик даражасининг ошиш хавфи пайдо бўлди. Ушбу хавфларни бартараф этиш мақсадида 2019 йилда Марказий банк юридик ва жисмоний шахсларга кредит суммасининг гаров суммасига нисбати 75 фоиздан юқори бўлган барча автокредитлар учун хавф даражасини 300 фоиз қилиб белгилашга қарор қилди⁴⁰. Натижада, кредитнинг гаров қийматига нисбати 75 фоиздан ортиқ бўлган кредитлар сони камайди. 2021 йилда автомобилларга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатлашувини ҳисобга олган ҳолда Марказий банк автокредитлар бўйича белгиланган 300 фоизлик хавф даражасини бекор қилди⁴¹.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2/3-сонли қарори, 2019. <https://lex.uz/docs/4230138#4234642>

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 28/22-сонли қарори, 2021. <https://lex.uz/docs/5292850>

3.2. Тизимли аҳамиятга молик банкларга қўшимча буфер жорий қилиш имкониятлари

2008 йилдаги жаҳон молиявий инқирозидан сўнг Банк назорати бўйича Базел қўмитаси (кейинги ўринларда Базел қўмитаси) банклар ликвидлиги ва капитал монандлигига қўйиладиган талабларни кучайтирди ҳамда янги макропруденциал инструментларни, жумладан, капиталнинг консервация буфери (capital conservation buffer, CCoB) ва контрциклик капитал буферини (countercyclical capital buffer, CCB) амалиётга татбиқ қилиш дастурлари ва методологияларини ишлаб чиқди⁴². Инқироз натижасида АҚШнинг тўртинчи энг йирик инвестицион банкининг (Lehman Brothers) банкрот бўлиш оқибатлари ҳамда йирик банкларнинг молиявий ҳолати ёмонлашиши бутун мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши (“too big to fail”) эса, молиявий тизим регуляторлари томонидан айнан тизимли аҳамиятга молик банклар учун қўшимча буферлар жорий қилиш зарурати пайдо бўлди⁴³. Қўшимча капитал буферини жорий қилишдан асосий мақсад тизимли аҳамиятга молик банкларнинг нобарқарор бўлиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарарларнинг молия тизими ҳамда иқтисодиётга таъсирини юмшатиш ҳисобланади.

Аксарият давлатлар маҳаллий тизимли аҳамиятга эга банкларни аниқлаш методологиясини Базел қўмитасининг кўрсатмалари⁴⁴ асосида ишлаб чиққан. Масалан, Европа банк назорати органи (European Banking Authority, ЕВА) Европа Иттифоқи мамлакатлари учун маҳаллий тизимли аҳамиятга эга банкларни аниқлаш бўйича йўриқномани⁴⁵ ишлаб чиққан. Базел қўмитасининг кўрсатмасига кўра маҳаллий тизимли аҳамиятга эга банклар учун қўшимча капитал буфери бўйича мажбурият тўлиқ биринчи даражали

⁴² Basel Committee on Banking Supervision, The capital buffers in Basel III - Executive Summary, 2019. https://www.bis.org/fsi/fsisummaries/b3_capital.htm

⁴³ Basel Committee on Banking Supervision, Global systemically important banks: assessment methodology and the additional loss absorbency requirement, 2011. <https://www.bis.org/publ/bcbs207.pdf>

⁴⁴ Basel Committee on Banking Supervision, The G-SIB assessment methodology – score calculation, 2014. <https://www.bis.org/bcbs/publ/d296.pdf>


⁴⁵ European Banking Authority, Guidelines on criteria for the assessment of O-SIIS, 2014. <https://www.eba.europa.eu/documents/10180/930752/EBA-GL-2014-10+%28Guidelines+on+O-SIIS+Assessment%29.pdf>

асосий капитал (Common Equity Tier 1, CET1)⁴⁶ билан қопланиши лозим.

Халқаро тажриба

Ўрганилган хориж мамлакатларнинг маҳаллий тизимли аҳамиятга молик банклар учун буфернинг орасида энг кўп тарқалган максимал буфер даражаси рискка тортилган активларга нисбатан 2 фоизни ташкил этмоқда. Европа мамлакатларидаги тизимли аҳамиятга молик банклар учун энг юқори буфер даражаси рискка тортилган активларга нисбатан 3 фоизни ташкил этмоқда⁴⁷. Бироқ, Европа комиссиясининг рухсати билан ушбу буфер даражаси рискка тортилган активларга нисбатан 3 фоиздан юқори ҳам бўлиши мумкин.

42-чизма. Турли хил мамлакатларда тизимли аҳамиятга молик банклар учун ўрнатилган буфер даражалари, рискка тортилган активларга нисбатан фоизда



Манба: Ваколатли давлат органлари.

⁴⁶ Basel Committee on Banking Supervision, A framework for dealing with domestic systemically important banks, 2012. <https://www.bis.org/publ/bcbs233.pdf>

Биринчи даражали асосий капитал банкнинг оддий акциялари ва тақсимланмаган фойдаси кўринишидаги энг сифатли капиталидан ташкил топиб, банк регулятив капиталининг 60 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

⁴⁷ European Parliament and the Council of the European Union, Directive (EU) 2019/878 of the European Parliament and of the Council, 2019.

<https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/PDF/?uri=CELEX:32019L0878&from=EN>

Айрим мамлакатларда (Шимолий Македония⁴⁸, Гонгконг⁴⁹) энг юқори буфер даражаси 3,5 фоизни ташкил этмоқда. Бундан кўзланган мақсад юқори суръатларда тизимли аҳамиятга эга бўлиб бораётган банкларни келажакда янада тизимли аҳамиятли бўлишидан қайтариш ҳисобланади. Австралия (1 фоиз)⁵⁰, Канада (2,5 фоиз)⁵¹ ва Янги Зеландияда (2 фоиз)⁵² тизимли аҳамиятга молик банклар учун ягона буфер жорий қилинган.

Бир қатор мамлакатларда тизимли аҳамиятга молик банкларга ўрнатилган буфер поғонали давр (phase-in period) асосида жорий қилинган. Бундан асосий мақсад банкларга етарлича капитал захира шакллантириш ва янги буферга мослашиш учун имконият беришдир. Бир қатор Европа мамлакатлари, Ҳиндистон ва Янги Зеландия айнан ушбу тажрибадан фойдаланган.

2021 йилда Европа Иттифоқида тизимли аҳамиятга молик банклар сони 175 тани ташкил этиб, ушбу банклар учун ўрнатилган буферларнинг аксарият қисми рискка тортилган активларга нисбатан 1 фоизни ташкил этмоқда⁵³.

⁴⁸ National Bank of the Republic of North Macedonia, List of Systemically Important Banks, 2022. https://www.nbrm.mk/content/Regulativa/Lista_identifikuvani_sistemski_znacajni_banki_2021_ENG.pdf

⁴⁹ Hong Kong Monetary Authority, CA-B-2 “Systemically Important Banks” (V2) dated 23.04.2021, pp. 19–20. <https://www.hkma.gov.hk/media/eng/doc/key-functions/banking-stability/supervisory-policy-manual/CA-B-2.pdf>


⁵⁰ Australian Prudential Regulation Authority, Capital buffers. <https://www.apra.gov.au/capital-buffers>

⁵¹ Office of the Superintendent of Financial Institutions, OSFI keeps Domestic Stability Buffer at 2.50%, provides update on review, 2022. <https://www.osfi-bsif.gc.ca/Eng/osfi-bsif/med/Pages/dsb20220622-nr.aspx>

⁵² Reserve Bank of New Zealand, Requirements for domestic systemically important banks, 2022. <https://www.rbnz.govt.nz/regulation-and-supervision/oversight-of-banks/standards-and-requirements-for-banks/requirements-for-domestic-systemically-important-banks>

⁵³ European Banking Authority, List of O-SIIs notified to the EBA by year, 2021. https://www.eba.europa.eu/sites/default/documents/files/document_library/1036637/2021%20OSII%20List.xlsx

43-чизма. Танланган мамлакатларда тизимли аҳамиятга молик банкларнинг сони ва буфер гуруҳлари сони



Манба: Ваколатли давлат органлари.

Ҳар бир давлат бўйича буфер гуруҳлари сони ҳамда тизимли аҳамиятга молик банклар сони орасидаги мутаносиблик пуфакчаларнинг ўлчамида ўз аксини топган.

Банкларнинг тизимли аҳамиятлилиқ даражасига мос равишда буферлар шакллантириш учун тизимли аҳамиятга молик банкларга ўрнатиладиган буферлар гуруҳларга ажратилади. Ўрганилган 22 та мамлакатда буферлар бўйича гуруҳлар сони 3–12 оралиғида эканлиги ва энг кўп тарқалган гуруҳлар сони 4–6 тани ташкил этганлигини кўриш мумкин. Гуруҳлар сонини аниқлашда банкларнинг тизимли аҳамиятга эгалик бўйича баллари ҳам муҳим ўрин тутди. Бунда банкларнинг сони кўп бўлишидан қатъи назар банкларнинг тизимли аҳамиятлилиқ бўйича баллари бир-бирига яқин бўлса, гуруҳлар сони шунча кам бўлади ва аксинча. Скоринг тизимида кўра, тизимли аҳамиятга молик банк қанчалик йирик бўлса, мос равишда юқори гуруҳга киритилади ва рискка тортилган активларига нисбатан фоиз ҳисобида кўпроқ капитал сақлаш талаб этилади⁵⁴.

Кузатилган деярли барча мамлакатлар капитал монандлиги учун ўрнатиладиган минимал талабларни Базел III стандартларига мувофиқ жорий қилган (2-илова). Айти пайтда мазкур мамлакатларда банклар учун жорий қилинган капитал буферлар даражалари сезиларли фарқ қилади. Капитал буфер даражаларининг турли хил бўлишини банкларни назорат қилувчи органлар томонидан

⁵⁴ Juan Ramirez, Handbook of Basel III Capital: Enhancing Bank Capital in Practice, 2016.

рисklarнинг турлича баҳоланиши ва банк тизимининг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин. Таъкидлаш жоизки, капитал монандлигига қўйилган минимал талаблар банк тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг асоси саналади.

Ўзбекистонда тизимли аҳамиятга молик банклар учун буфер қўллаш зарурати

2022 йил 1 август ҳолатига Ўзбекистонда тизимли аҳамиятга эга банкларнинг ўртача капитал монандлилик коэффиценти 16,8 фоизни, бошқа банкларда 16,4 фоизни ташкил этиб, минимал капиталга қўйилган талабидан (13 фоиз) юқори шаклланган.

Базел қўмитаси тизимли аҳамиятга молик банклар учун буфер жорий қилишда банк тизими ҳажмининг ЯИМга нисбати кўрсаткичи ҳамда банк секторининг концентрациялашган даражасини инобатга олишни тавсия этади. Банк тизими ҳажмининг ЯИМга нисбатан юқорилиги тизимли аҳамиятга молик банкнинг нобарқарорлашуви реал иқтисодиётга салбий таъсири сезилувчанлигини англатади⁵⁵.

2022 йил 1 июль ҳолатига Ўзбекистонда банк активларининг ЯИМга нисбати 62 фоизни ташкил этди ҳамда банк тизимининг иқтисодиёт учун муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

Банк тизими юқори даражада концентрациялашган давлатларда тизимли аҳамиятга молик банклар инқирозининг миллий иқтисодиётга салбий таъсири паст даражада концентрациялашган давлатларга нисбатан кучлироқ ҳисобланади. Ўз навбатида, банк секторидаги концентрация ва рақобат даражасини баҳолаш учун Херфиндаль-Хиршман индексидан (Herfindahl-Hirschman Index, HHI) фойдаланилади⁵⁶:

$$HHI = s_1^2 + s_2^2 + s_3^2 + \dots + s_n^2$$


Бу ерда,

s_n – бирор бир банк активларининг жами банк тизими активларидаги улуши.

⁵⁵ Basel Committee on Banking Supervision, A framework for dealing with domestic systemically important banks, 2012. <https://www.bis.org/publ/bcbs233.pdf>

⁵⁶ Federal Reserve Bank of St. Louis, The ABCs of HHI: Competition and Community Banks, 2018. <https://www.stlouisfed.org/on-the-economy/2018/june/hhi-competition-community-banks>

44-чизма. 2020 йилда Европа давлатларида НН индекси ва тизимли аҳамиятга молик банклар учун ўрнатилган буфернинг банклар активларидан келиб чиқиб ҳисобланган ўртача тортилган даражалари⁵⁷



Манба: Европа банк назорати органи.

НН индекси банк хизматлари бозорида рақобат даражасига кўра 3 та гуруҳга бўлинади:

- а) паст даражада концентрациялашган (1000 дан паст);
- б) ўрта даражада концентрациялашган (1000 дан 1800 гача);
- в) юқори даражада концентрациялашган (1800 дан юқори).

2022 йил 1 август ҳолатига Ўзбекистонда банк тизимининг НН индекси 1096 ни ташкил этди. Бу эса, Ўзбекистон банк тизимида ўрта даражада концентрациялашган банк хизматлари бозори мавжудлигини кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, НН индекси Ўзбекистоннинг НН индексидан паст бўлган мамлакатларда ҳам тизимли аҳамиятга молик банклар учун буфер жорий қилинган.

⁵⁷ European Banking Authority, Report on the appropriate methodology to calibrate O-SII buffer rates, 2020. https://www.eba.europa.eu/sites/default/documents/files/document_library/Publications/Reports/2020/961796/EB_A%20report%20on%20calibration%20of%20O-SII%20buffer%20rates.pdf

Тизимли аҳамиятга молик банклар учун ўрнатиладиган буфернинг энг юқори даражасини аниқлаш бўйича ёндашувлар

Базел қўмитаси маҳаллий тизимли аҳамиятга молик банклар (D-SIBs) учун буфер даражаси бўйича сиёсий қарашда (policy judgement) таҳлилий асослардан фойдаланишни тавсия этади⁵⁸. Масалан, жаҳон миқёсида тизимли аҳамиятга молик банклар (G-SIBs) учун юқори йўқотишларни қоплаш талабининг максимал даражасини баҳолаш учун кутилаётган таъсир ёндашуви (expected impact approach) ва узоқ муддатли иқтисодий таъсир ёндашуви (long-term economic impact, LEI) асосида эмпирик таҳлиллардан фойдаланган⁵⁹. Шунингдек, банк секторининг концентрация даражаси тизимли аҳамиятга молик банклар учун буфер даражаси бўйича сиёсий қарашда (policy judgement) хизмат қилиши мумкин.

Кутилаётган таъсир ёндашувида капитал буфер даражасини ўрнатиш учун рискка тортилган активлар ҳамда банклар акцияларининг нархлари каби кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ушбу ёндашувда капиталга нисбатан қўйилган талаб ва банкларнинг дефолт бўлиш эҳтимоли ўртасидаги боғлиқлик Мертон модели⁶⁰ ёрдамида аниқланади. Мертон моделининг моҳиятига кўра банкларнинг дефолт бўлиш эҳтимоли банклар акциялари даромадлигининг стандарт четлашиши ва капиталнинг бозор қиймати, банкларнинг жами активлари, мажбуриятлари каби кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда ҳисобланади.

Ўзбекистонда молия бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги бугунги кунда банклар акциялари даромадлиги ҳамда банкларнинг бозор қиймати бўйича маълумотлардан фойдаланиш имкониятини чеклайди. Бу эса, Ўзбекистон шароитида банкларга қўшимча капитал буферни аниқлаш учун Мертон моделини қўллаш кутилган натижа бермаслигини англатади.

⁵⁸ Basel Committee on Banking Supervision, A framework for dealing with domestic systemically important banks, 2012. <https://www.bis.org/publ/bcbs233.pdf>

⁵⁹ Basel Committee on Banking Supervision, Global systemically important banks: revised assessment methodology and the higher loss absorbency requirement, 2018. <https://www.bis.org/bcbs/publ/d445.pdf>

⁶⁰ Robert C. Merton, On the pricing of corporate debt: The risk structure of interest rates, 1974. <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1111/j.1540-6261.1974.tb03058.x>

Ўзбекистоннинг НН индексига яқин бўлган мамлакатларнинг максимал буферлари тизимли аҳамиятга молик банклар учун буфернинг тахминий энг юқори даражасини кўрсатишга хизмат қилади. 2020 йил якуни бўйича Ўзбекистоннинг НН индексига яқин бўлган мамлакатлар Словения, Руминия ҳамда Австриянинг максимал буфер даражаси 2 фоизни ташкил этмоқда⁶¹.

Узоқ муддатли иқтисодий таъсир ёндашуви Базел кўмитасининг “Капитал ва ликвидликка қўйилган талабларни қатъийлаштиришнинг узоқ муддатли иқтисодий таъсирини баҳолаш тўғрисида”ги ҳисоботи⁶² асосланган. Ушбу ёндашувда банклар учун ўрнатилган капитал талабларини қатъийлаштиришнинг узоқ муддатли иқтисодий фойдалари ва йўқотишлари баҳоланади. Бунда кутилаётган соф фойданинг, яъни кутилаётган иқтисодий фойда ва йўқотиш ўртасидаги фарқнинг энг юқори қийматига мос келувчи моддий асосий капиталга нисбатан қўйилган талаб энг мақбул даражаси сифатида қаралади.

Юқори капитализацияга эга бўлган ва қатъий ликвидлилик талаблари мавжуд бўлган банк тизимининг инқироз бўлиш эҳтимолини камайтириши иқтисодий фойда сифатида қараш мумкин. Капитал ва ликвидликка нисбатан талабларнинг қатъийлаштирилиши банк кредитларининг қимматлашишига, натижада истеъмол ва инвестициялар ҳажмини пасайтирган ҳолда реал ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига олиб келиши иқтисодий йўқотиш ҳисобланади.


Инқирозлар натижасидаги иқтисодий йўқотишларни аниқлашда ЯИМ ва унинг тренди ўртасидаги тафовут инobatга олинади. Инқироз натижасидаги иқтисодий йўқотишлар аниқлангандан сўнг, капиталга нисбатан қўйилган талабни ошириш натижасида инқироз юзага келиш эҳтимолининг пасайиши кутилаётган фойда сифатида қаралади.

⁶¹ European Banking Authority, EBA report on the appropriate methodology to calibrate O-SII buffer rates, 2020, p.15.

https://www.eba.europa.eu/sites/default/documents/files/document_library/Publications/Reports/2020/961796/EB_A%20report%20on%20calibration%20of%20OSII%20buffer%20rates.pdf

⁶² Basel Committee on Banking Supervision, An assessment of the long-term economic impact of stronger capital and liquidity requirements, 2010. <https://www.bis.org/publ/bcbs173.pdf>

45-чизма. Ўзбекистонда номинал ЯИМнинг амалдаги ва потенциал қийматлари орасидаги тафовут, трлн сўм



Манба: Статистика қўмитаси ва Марказий банк.

Изоҳ: ЯИМ тренди HP (Hodrick-Prescott) филтери орқали ҳисобланган.

Бу ерда, А ва А' нуқталар салбий тафовутга ўтишдаги бошланғич ЯИМнинг амалдаги қийматлари, В ва В' нуқталар ўсувчи салбий тафовутнинг энг юқори даражасидаги ЯИМнинг амалдаги қийматлари, С ва С' нуқталар пасаявчи салбий тафовутнинг энг юқори даражасидаги ЯИМнинг амалдаги қийматлари, D ва D' нуқталар эса ЯИМнинг амалдаги қийматининг унинг потенциалига эришган қийматларини ифодалайди.

Дастлаб, ЯИМнинг салбий тафовути натижасида юзага келган иқтисодий йўқотиш аниқлаб олинади. Бунда А ва В нуқталар орасидаги ҳамда А ва С нуқталар орасидаги фарқларнинг йиғиндисини А нуқтадаги қийматига нисбати доимий бўлмаган таъсир (no permanent effect)⁶³ кўрсатади. Шунингдек, жами кузатишлар давомидаги ЯИМнинг салбий тафовути натижасида юзага келган

⁶³ Доимий бўлмаган таъсир (no permanent effect) = $\frac{(B-A)+(C-A)}{A}$

иқтисодий йўқотиш қийматларининг йиғиндисини ўртача доимий таъсирини (moderate permanent effect)⁶⁴ ифодалайди.

Ҳисоб-китобларга кўра доимий бўлмаган ва ўртача доимий таъсирларининг қийматлари мос равишда 0,42 ва 0,67 ни ташкил этди. Узоқ муддатли иқтисодий таъсир ёндашувига кўра банк тизими инқироз бўлиш эҳтимолининг 1 фоиз бандга камайиши кутилаётган иқтисодий фойданинг ЯИМга нисбатан доимий бўлмаган таъсири орқали 0.42 фоизга ва ўртача доимий таъсири орқали 0,67 фоизга ошишини кўрсатмоқда. Капиталга нисбатан қўйилган талаб ва инқироз бўлиш эҳтимоли ўртасидаги боғлиқлик кўрсаткичлари Базел кўмитасининг тадқиқот натижаларидан фойдаланилди⁶⁵.

2-жадвал. Капиталга нисбатан қўйилган талаб ҳамда кутилаётган фойда ўртасидаги боғлиқлик

Биринчи даражали асосий капиталга нисбатан қўйилган талаб, %	Инқироз бўлиш эҳтимолининг камайиши, фоизли банд*§	Кутилаётган фойданинг йиллик ЯИМга нисбати (доимий бўлмаган таъсир), %†	Кутилаётган фойданинг йиллик ЯИМга нисбати (ўртача доимий таъсир), %†
A	B	C = B x 0.42	D = B x 0.67
7	1.2	0.50	0.81
8	2.2	0.93	1.49
9	2.9	1.21	1.94
10	3.3	1.39	2.24
11	3.6	1.52	2.44
12	3.8	1.61	2.58
13	4.0	1.67	2.68
14	4.1	1.73	2.77
15	4.2	1.76	2.82

Манба: *Базел кўмитаси ва †Марказий банк ҳисоб-китоби.

§ Базел кўмитасининг ҳисоб-китобларига кўра, кутилаётган фойданинг йиллик ЯИМга нисбатини (ўртача доимий таъсир) ЯИМнинг салбий тафовути натижасида юзага келган иқтисодий йўқотиш (ўртача доимий таъсир) қийматларининг йиғиндисига бўлиш орқали аниқланади.

Капиталга нисбатан қўйилган талаб даражасининг ортиши инқироз бўлиш эҳтимолини камайтиради ва инқироз натижасидаги йўқотишларнинг олдини олиш ҳисобига кутилаётган фойда ҳам ошиб боради. Бироқ, капиталга нисбатан қўйилган талабнинг

⁶⁴ Ўртача доимий таъсир (moderate permanent effect) = $\frac{(B-A)+(C-A)}{A} + \frac{(B'-A')+(C'-A')}{A'}$

⁶⁵ Basel Committee on Banking Supervision, An assessment of the long-term economic impact of stronger capital and liquidity requirements, 2010. <https://www.bis.org/publ/bcbs173.pdf>

қатъийлаштирилиши иқтисодий харажатларни ҳам юзага келтиради. Ўз навбатида, капиталга нисбатан қўйилган талабнинг энг мақбул даражасига соф фойданинг энг юқори қийматида эришилади.

Капитал учун талабни ошириш натижасида юзага келиши мумкин бўлган узоқ муддатли харажатлар Базел қўмитаси томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида капиталга қўйилган талабнинг 7 фоиздан бошланадиган ҳар бир 1 фоиз бандга оширилиши ишлаб чиқариш даражасининг асосий кўрсаткичдан 0,09 фоизга пасайишига олиб келади⁶⁶.

3-жадвал. Капиталга нисбатан қўйилган талаб ҳамда кутилаётган узоқ муддатли соф фойда ўртасидаги боғлиқлик

Биринчи даражали асосий капиталга нисбатан қўйилган талаб, %	Инқироз бўлиш эҳтимолининг камайиши, фоизли банд*	Кутилаётган фойдани йиллик ЯИМга нисбати (доимий бўлмаган таъсир), % [†]	Кутилаётган фойдани йиллик ЯИМга нисбати (ўртача доимий таъсир), % [†]	Кутилаётган харажатни йиллик ЯИМга нисбати, %*	Кутилаётган соф фойдани йиллик ЯИМга нисбати (доимий бўлмаган таъсир), % [†]	Кутилаётган соф фойдани йиллик ЯИМга нисбати (ўртача доимий таъсир), % [†]
A	B	$C = B \times 0.42$	$D = B \times 0.67$	E	$F = C - E$	$G = D - E$
7	1.2	0.50	0.81	0.08	0.424	0.730
8	2.2	0.93	1.49	0.17	0.759	1.322
9	2.9	1.21	1.94	0.26	0.948	1.679
10	3.3	1.39	2.24	0.35	1.044	1.887
11	3.6	1.52	2.44	0.44	1.080	2.000
12	3.8	1.61	2.58	0.53	1.076	2.048
13	4.0	1.67	2.68	0.62	1.052	2.065
14	4.1	1.73	2.77	0.71	1.015	2.060
15	4.2	1.76	2.82	0.80	0.959	2.023

Манба: *Базел қўмитаси ва [†]Марказий банк ҳисоб-китоби.


Биринчи даражали асосий капиталга нисбатан қўйилган талабнинг энг мақбул даражаси доимий бўлмаган ҳамда ўртача доимий таъсирларда мос равишда 11 ва 13 фоизларни кўрсатмоқда.

Биринчи даражали асосий капиталга нисбатан ўрнатилган меъёр ўртача доимий таъсири бўйича 13 фоиз бўлганда кутилаётган соф фойда энг юқори қийматга эга бўлади. Таъкидлаш жоизки, тизимли аҳамиятга молик банкларга ўрнатиладиган қўшимча буфер фақатгина биринчи даражали асосий капитал (СЕТ1) билан шакллантирилиши лозим. Узоқ муддатли иқтисодий таъсир ёндашуви (LEI) натижасига кўра, Ўзбекистонда биринчи даражали асосий капитал учун ўрнатилган меъёр (8 фоиз) аниқланган биринчи

⁶⁶ Basel Committee on Banking Supervision, An assessment of the long-term economic impact of stronger capital and liquidity requirements, 2010, p.29. <https://www.bis.org/publ/bcbs173.pdf>

даражали асосий капиталнинг энг мақбул даражасидан (13 фоиз) паст эканлигини кўрсатмоқда.

46-чизма. Биринчи даражали капиталга нисбатан қўйилган талабнинг энг мақбул даражаси



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Буфернинг энг юқори даражасини аниқлашда, одатда банк тизими бўйича рискка тортилган активларнинг ўзгариши инобатга олинади. Жумладан, 2021 йилда банк тизими бўйича рискка тортилган активларнинг қиймати 27 фоизга⁶⁷ ошган.

Буфернинг энг юқори даражаси биринчи даражали асосий капиталга қўйилган талабнинг энг мақбул даражасини (13 фоиз) рискка тортилган активларнинг йиллик ўсиш суръатига (1,27 коэффициент) нисбатидан биринчи даражали асосий капиталга нисбатан амалда ўрнатилган меъёрини (8 фоиз) чегириш орқали аниқланади⁶⁸.

$$\frac{13}{1,27} - 8 \approx 2$$

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, 2022. <https://cbu.uz/en/statistics/e-gdds/data/111572/>

⁶⁸ Basel Committee on Banking Supervision, Global systemically important banks: updated assessment methodology and the higher loss absorbency requirement, 2013. <https://www.bis.org/publ/bcbs255.pdf>

Таҳлил натижалари тизимли аҳамиятга молик банклар учун максимал буфер даражаси 2 фоизни кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда тизимли аҳамиятга молик банклар учун қўшимча буфер ўрнатиш капитал монандлигига бўлган талабни ортиқча қатъийлаштириб юбориши мумкин. Шу сабабли, қўшимча буфер жорий қилишда капиталга қўйилган минимал талаблар билан буфер талабларини мувофиқлаштириш зарур бўлади.

IV. Макро стресс-тест

4.1. Макроиқтисодий сценарийлар


ХВЖнинг тавсиялари асосида макромолиявий рискларни аниқлаш ва банк тизимининг уларга нисбатан бардошлигини баҳолаш учун макро стресс-тест воситаси ишлаб чиқилди. У кредит риски, қимматли қоғозлар, валюта алмашуви ҳамда фойда ва зарар ҳисоби модулларидан банк секторининг турли макроиқтисодий ва молиявий сценарийларга бардошлилигини истиқболли тарзда баҳолаш учун фойдаланади. Реал ЯИМ ўсиши, инфляция, фоиз ставкалари ва валюта курси каби асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни инobatга олган ҳолда учта макроиқтисодий сценарийлар (асосий, мўътадил ва хатарли) тайёрланди⁶⁹.

Асосий сценарий иқтисодий ўзгаришлар жорий кўрсаткичларда давом этиши натижасида келажакдаги иқтисодиётнинг эҳтимоллий ҳолатини ифодалайди. Мўътадил сценарий кичик шоклар натижасида юзага келиши мумкин бўлган иқтисодиётнинг истиқболдаги ҳолатини кўрсатади. Хатарли сценарий эса юз бериши мумкин бўлган кескин шокларни инobatга олган ҳолда келажакдаги иқтисодиётнинг юз бериши мумкин бўлган салбий ҳолатларини ўз ичига олган.

Қисқа муддатда инфляция барча сценарийларда жаҳон товар бозорларидаги нархларнинг ошиши ва етказиб бериш занжирларининг узилиши туфайли ошади. Кредит фоиз ставкалари маълум бир вақт оралиғида юқори бўлиб қолади. Инфляция босими жиловланиши натижасида кредит фоиз ставкалари пасаяди. Хатарли сценарийда сўмнинг қадрсизланиши ЯИМ қисқариши ва инфляциянинг ўсиши фониди тезлашади.

⁶⁹ Adam Gersl, Macro Stress Testing (ST) Tool for Central Bank of Uzbekistan. User Manual, 2022.


47-чизма. Макроқтисодий сценарийлар



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Макро стресс-тест муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши сценарийларини ишлаб чиқиш учун ёрдамчи моделни ўз ичига олади. Модел муаммоли кредитлар улуши эркин ўзгарувчи сифатида ва сценарийларда кўрсатилган асосий макромолиявий омиллар (ЯИМ ўсиши, кредит фоиз ставкаси ва битта олдинги даврдаги муаммоли кредитлар) эркин ўзгарувчилар сифатида баҳоланди.

48-чизма. Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши бўйича сценарийлар




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Пандемия давридан олдин муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 3 фоиздан паст бўлиб, барқарор шаклланган. Бироқ, карантин чекловлари сабабли кўплаб қарз олувчилар ўз кредитларини тўлаш учун қийинчиликларга дуч келди ва муаммоли кредитлар улуши кўтарилди. Марказий банк пандемиянинг салбий таъсирини юмшатиш учун қўллаб-қувватловчи чораларни кўрди. Ушбу чора-тадбирлардан бири пандемия туфайли фаолиятида салбий ҳолатлар кузатилган жисмоний ва тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзли давр билан кредитларни кечиктириш ва тўлаш муддатини 2020 йил 1 октябргача узайтириш бўлди. Ушбу чора 2020 йилда муаммоли кредитларнинг тез ўсишига ва ликвидлик босимининг юмшатилишига ёрдам берди. 2021 йилда пандемия сабаб бўлган иқтисодий фаолликнинг секинлашуви ва банклар томонидан муаммоли кредитлар ҳисоботини юритиш тизимининг такомиллашуви оқибатида муаммоли кредитлар ўсишда давом этди.

4.2. Макро стресс-тест натижалари

Кўзда тутилган капитал монандлилик коэффиценти кредит, бозор ва даромад рискларини амалга оширишни назарда тутувчи тўлов қобилияти стресс-тестининг яқуний натижасидир. Банк тизими ҳатто кучли шок ҳолатида ҳам бардошли эканлигини кўрсатмоқда. Гарчи банклар кредитлар бўйича катта йўқотишларга дучор бўлишса-да, уларнинг капитал даражалари жиддий шокларга мослашиши ва умумий капитал коэффицентини меъёрий минимумга яқин даражада ушлаб тура олишлари мумкин.


49-чизма. Асосий сценарий



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Асосий сценарийга асосан 2024 йил охирига келиб капитал монандлилик коэффиценти 18 фоизга етиши мумкин. Капитал монандлилик коэффиценти пасайтирадиган омиллар, яъни рискка тортилган активлар, кредит йўқотишлари, солиқлар ва дивидендларнинг кўпайиши соф фоиз даромадлари ва соф операцион даромадларнинг ўсиши билан қопланади. Стресс-тест облигациялар ва кўчмас мулк бозорларида йўқотиш бўлмаслигини ва концентрация хавфи пастлигини кўрсатди.


50-чизма. Мўътадил сценарий



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Мўътадил сценарийга кўра, кредит йўқотишлари базавий кўрсаткичга нисбатан деярли икки мартага кўпайганлиги банкларнинг соф фойдаси камайишига олиб келиши мумкин. Иқтисодий ўсиш банкларнинг рентабеллигига сезиларли таъсир кўрсатади. Мўътадил сценарийда заиф ўсиш қарз олувчиларнинг кредитларни тўлаш қобилиятини пасайтиради ва банклар активлари сифатига салбий таъсир кўрсатади. Хусусан, банкларнинг соф фоиз даромадлари ва бошқа операциян даромадлари камаяди, кредитлар ва қимматли қоғозлар бўйича зарарлар эса ошади. Банкларнинг камроқ фойда кўриши улар камроқ солиқ ва дивидендлар тўлашини англатади.


51-чизма. Хатарли сценарий



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Хатарли сценарийда банк тизими катта йўқотишларга дучор бўлади ва капитал монандлилик коэффиценти меъёрий минимум даражасини бузади. Гарчи иқтисодий қисқариш бўлса ҳам, соф фоиз ва бошқа операциян даромад кредитлар ва қимматли қоғозлар бўйича йўқотишларни қоплаш учун етарли бўлади. Шунга қарамай, рискка тортилган активларнинг ўсиши капитал монандлилик коэффицентини 13 фоиздан пастга тушишига туртки бўлиши мумкин.

52-чизма. Асосий, мўтадил ва хатарли сценарийларнинг стресс шароитларида банк сектори капиталининг бардошлилик ҳолати



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Умумий олганда, макро стресс-тест натижалари асосий ва мўтадил сценарийларда банкларнинг капитал етарлилик даражаси минимал регулятив капитал меъёридан юқори бўлишини ҳамда турли хил шокларга яхши бардош бера олишини кўрсатди. Бироқ, хатарли сценарийда, яъни иқтисодиётнинг кескин ёмонлашуви ва валюта курсининг сезиларли даражада қадрсизланиши ҳолатида банк тизимининг регулятив капиталнинг монандлилик коэффициенти 13 фоизлик меъёрий чегарага ета олмаслиги мумкин. Бунда сезиларли кредит йўқотишлар ва рискка тортилган активларнинг ўсиши банкларни регулятив капиталга нисбатан қўйилган минимал талабни бажара олмасликка сабаб бўлиши мумкин. Шунга қарамай, банк капитали етишмовчилиги натижасида юзага келадиган йўқотишлар жиддий хавф туғдирмайди ва банк тизими ушбу йўқотишлар ўрнини қоплаш учун етарли ҳимояга эга бўлади.

Молиявий шароитлар индексининг моҳияти

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)нинг молиявий шароитлар индекси кенг қамровли индекс бўлиб, у қисқа муддатли реал фоиз ставкаси, банклараро фоиз спреди, давлат облигацияларининг фоиз ставкалари спреди, суверен ва корпоратив қарз спредлари, миллий валютадаги ва халқаро корпоратив қарз спредлари, акциялар нархлари ва тебранувчанлиги, валюта алмашинув курси ва уй-жойлар реал нархлари кўрсаткичлари асосида ҳисобланади⁷⁰.

ХВЖ молиявий шароитлар индексини ҳисоблашда 22 та ривожланган⁷¹ ва 21 та бозор иқтисодиёти шаклланаётган давлатларнинг⁷² маълумотларидан фойдаланилган. Минтақалар бўйича умумлаштирувчи кўрсаткичлар харид қобилияти паритетига асосланган ЯИМ улушларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади⁷³.

Молиявий шароитлар индекси кўрсаткичининг мусбат томонга ўзгариши молиявий шароитларнинг қатъийлашиши, манфий томонга ўзгариши эса молиявий шароитларнинг юмшашини англатади.

⁷⁰ International Monetary Fund, Global Financial Stability Report, Online Annex 1.1 Technical Note, October 2018. <https://www.imf.org/-/media/Files/Publications/GFSR/2018/Oct/CH1/doc/Annex1-1.ashx>

⁷¹ Австралия, Австрия, АҚШ, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Гонгконг, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Канада, Корея, Люксембург, Нидерландия, Норвегия, Сингапур, Финляндия, Франция, Швейцария, Швеция, Япония.

⁷² Аргентина, Бразилия, Венгрия, Жанубий Африка, Индонезия, Колумбия, Ливан, Малайзия, Мексика, Миср, Нигерия, Перу, Польша, Россия, Туркия, Украина, Филиппин, Хитой, Чили, Қозоғистон, Ҳиндистон.

⁷³ International Monetary Fund, Global Financial Stability Report, October 2018, p. 2. <https://www.imf.org/-/media/Files/Publications/GFSR/2018/Oct/CH1/doc/text.ashx>

Турли хил давлатларда капитал монандлигига қўйилган минимал талаблар ҳамда капитал буферлар (2022 йил 1 сентябрь ҳолатига)

Давлатлар	Капиталга қўйилган минимал талаблар			Буфер талаблари			
	Биринчи даражали асосий капиталнинг монандлик коэф. (СЕТ1), % ⁷⁴	Биринчи даражали капиталнинг монандлик коэф. (Tier 1), % ⁷⁵	Регулятив капиталнинг монандлик коэф., %	Капиталнинг консервация буфери (ССоВ), %	Контр-циклик капитал буфери (ССуВ), %	Тизимли риск буфери (SyRB), %	Тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буфер (SIB buffer), %
Бельгия	4,5	6	8	2,5	0	9	0,75–1,5
Венгрия	4,5	6	8	2,5	0	0	0,125–0,5
Германия	4,5	6	8	2,5	0	2	0,25–2
Гонгконг	4,5	6	8	2,5	1	0	1–3,5
Греция	4,5	6	8	2,5	0	0	0,75
Грузия	4,5	6	8	2,5	0	0	1,5–2,5
Жанубий Африка	4,5	6	8	2,5	2,5	0	0,5–2,5
Ирландия	4,5	6	8	2,5	0	0	0,5–1,5
Италия	4,5	6	8	2,5	0	0	0,25–1
Канада	4,5	6	8	2,5	0	0	2,5
Кипр	4,5	6	8	2,5	0	0	0,25–1,25
Латвия	4,5	6	8	2,5	0	0	1,25–2
Лихтенштейн	4,5	6	8	2,5	0	1	1–2
Малайзия	4,5	6	8	2,5	0	0	0,5–2
Мальта	4,5	6	8	2,5	0	0	0,25–2
Норвегия	4,5	6	8	2,5	1,5	4,5	1–2
Польша	4,5	6	8	2,5	0	0	0,1–1
Россия	4,5	6	8	2,5	0	0	1
Руминия	4,5	6	8	2,5	0	0–2	1–2
Саудия Арабистони	4,5	6	8	2,5	0	0	0,5–2,5
Сербия	4,5	6	8	2,5	0	3	0–2
Словения	4,5	6	8	2,5	0	0,5–1	0,25–1
Финляндия	4,5	6	8	2,5	0	0	0,5–2
Франция	4,5	6	8	2,5	0	0	0,25–1,5
Хорватия	4,5	6	8	2,5	0	1,5	0,5–2
Ҳиндистон	5,5	7	9	2,5	0	0	0,2–1
Чехия	4,5	6	8	2,5	1	0	0,5–2,5
Шимолий Македония	4,5	6	8	2,5	0,5	0	1–3,5
Эстония	4,5	6	8	2,5	0	0	0,5–2
Янги Зеландия	4,5	6	8	2,5	0	0	2

Манба: Европа тизимли хатарлар кенгаши ва ваколатли давлат органлари.

⁷⁴ Биринчи даражали капитал учун қўйилган минимал талаб (6 фоиз) биринчи даражали асосий капитал учун қўйилган минимал талабни (4,5 фоиз) ўз ичига олади.

⁷⁵ Регулятив капитал учун қўйилган минимал талаб (8 фоиз) биринчи даражали капитал учун қўйилган минимал талабни (6 фоиз) ўз ичига олади.